

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

МИЛИЕВ СУВОНҚУЛ

ГЛОБАЛ ИЛМИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИН ПОЭТИКАСИ

10.00.07 – Адабиёт назарияси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Милюев Сувоңкул

Глобал илмий-бадий талқин поэтикаси..... 3

Miliev Suvonqul

The poetics of global scientific-artistic interpretation..... 37

Милюев Сувоңкул

Поэтика глобальной научно-художественной интерпретации 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 76

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

МИЛИЕВ СУВОНҚУЛ

ГЛОБАЛ ИLMИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИН ПОЭТИКАСИ

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Fil197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич,
филология фанлари доктори, профессор

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич,
филология фанлари доктори, профессор

Аҳмедова Шоира Нематовна,
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» ноябр соат 14.02 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» ноябр да тарқатилди.

(2020 йил 16 ноябр даги 11 рақамли реестр баённомаси).


Б.А.Назаров,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., академик


Р.Баракаев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий
котиби, филол.ф.н.




Н.Ф.Каримов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., академик.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги дунёнинг ялпи ҳолат ва вазиятини бир сўз билан ифодалаш зарур бўлса, шу сўз айнан глобаллашувдир. Инсоният онгли ва онгсиз равишда ушбу жаҳоний жараёнга тортилмоқда, унинг ширин ва аччиқ меваларини беихтиёр татиб кўрмоқда. Глобаллашув таъсирида замон ва макон, бутун Ер сайёраси ўзгармоқда, шу билан бирга онгли мавжудот, инсон ўзгармоқда. Бадиий адабиёт инсоншунослик экан, ушбу ўзгараётган замонда инсон ўзини қандай тутмоқда, унинг бу ҳолати бадиий адабиётда қандай талқин қилинмоқда, глобаллашув илмий-бадиий талқинлар миқёси кенгайишига қандай таъсир кўрсатмоқда ҳамда глобал илмий-бадиий талқинлар моҳияти нимада каби масалалар жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, истиқлол даври ўзбек адабиётшунослиги учун илмий аҳамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослигида фаол қўлланиб келинаётган тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва аналитик методлар асосида мумтоз ва янги ўзбек адабиётида яратилган адабий асар ва бадиий матнларни жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш, уларни глобал бадиий маъно нуқтаи назаридан таҳлил ва тадқиқ қилиш нлобаллашув даврининг талаб ва эҳтиёжига айланди. Глобал давр глобал ечимларни талаб қилмоқда экан, аввал тадқиқ этилган асарларни янги нуқтаи назарлар, янги илмий-методологик усуллар орқали қайта ўрганиш давр тақозосига айланмоқда. Бинобарин, ўзбек мумтоз ва янги ўзбек адабиётда яратилган бадиий асарлар зимнига кириб, фалсафий ва ирфоний жиҳатдан тадқиқ этиш ХХІ ўзбек адабиётшунослигининг долзарб вазифасидир.

Мустақиллик даврида ўзбек адабиётшунослигида мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда жаҳон адабиётшунослигида кенг қўлланиб келинган янгича талқин ва ёндашувлардан ижодий истифода этиш, уларни тадқиқотлар, айниқса бадиий асар таҳлилида фаол қўллаш тамойили шаклланди. Глобаллашув жараёнлари таъсирида бадиий адабиётимизни ушбу давр талаблари даражасида таҳлил ва талқин қилиш зарурияти туғилди ҳамда она тилимизда яратилган бадиий матнлар қаърида умуминсоний, жаҳоний, абадий маъноларни глобал илмий-бадиий талқин асосида ўрганиш имконияти вужудга келди. Мамлакатимиз ўзининг очик ва конструктив сиёсати билан жаҳон ҳамжамиятида катта обрў ва мустақкам ўрин эгаллаётган ҳозирги пайтда миллий адабиётимизни жаҳоний мезонлар ва усулларда ўрганиш амалий долзарблик касб этмоқда. Зеро, “Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил кадам қўймоқда”¹ экан, адабиётшунослик жабҳасида ҳам илмий юксалиш бўлиши, назарий ишланмаларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш мажбуриятини кўяди.

¹ “Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли”. Президент Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2019, 22 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4871-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги 124-Ф-сон фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²:

Глобаллашувнинг жаҳоний жараён сифатида, хусусан, глобал илмий-бадий талқин поэтикаси сифатида бадий адабиётга, адабий жараёнга, бадий матнни шарҳлаш, асар поэтикаси, илмий-бадий талқин, поэтик структура ва бадий маъно, бинар ва тринар типология, глобал илмий-бадий талқин, глобалистика ва социология каби кўпдан-кўп масалалардаги ўзига хосликлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Москва давлат университети (Россия), Маданият ва санъат раҳбар кадрларини тайёрлаш Миллий академияси (Украина) Озарбайжон давлат маданият ва санъат университети (Озарбайжон), Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Фарғона давлат университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да кенг кўламда тадқиқ этилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида глобал илмий-бадий талқин масаласи юзасидан муайян илмий натижаларга эришилган. Ҳар бир миллий адабиётнинг буюк намояндалари асарлари турли йўналиш, концепция ва муаммолар бўйича ўрганиш, буюк асарлар қаъридаги маъноларни очиш XX асрда янги поғонага кўтарилгани, Данте, Шекспир, Пушкин, Гоголь ва Достоевский асарларидаги ғоя ва бадий маъноларини очиш борасида муайян илмий кашфиётларга эришилгани (Италия, Англия, Россия), интерпретация, комментария,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий адабиётлар шарҳи: <https://cyberleninka.ru/article/v/metodologicheskie-aspekty-globalistiki>; <https://www.dissercat.com> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

текстология муаммоси асослаб берилгани (Франция, АҚШ, Англия, Россия), поэтика ва бадий талқиннинг муштарак жиҳатлари мумтоз анъаналар негизида такомиллашуви жадаллашгани (АҚШ, Франция, Россия), ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини бадий матн талқини (интерпретацияси) нуктаи назаридан тадқиқ этиш тамойиллари белгилаб берилгани (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) адабиётшуносликда изчил ўрганилаётгани эътиборга молик.

Жаҳон адабиётшунослигида герменевтика ва талқин назарияси соҳасида, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: поэтик структура ва бадий маъно, бадий структурада қиёс, бинар ва тринар типология, адабиёт фалсафаси қонуниятларини очиш; поэтик маънонинг ўзига хослигини асослаш; бадий матндан ўрин олган образ ва тимсоллар моҳиятига чуқурроқ кириш, асар ғоявий-бадий концепциясидаги диний-ирфоний жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё адабиётшунослигида глобал илмий-бадий талқин масаласи яқин 10-20 йилликлар ичида ўрганила бошланди³.

Ўзбек адабиётшунослигида глобаллашув тушунчаси, адабиётда глобаллашув тушунчасининг намоён бўлиши, глобаллашувнинг ижтимоий-бадий хусусияти, глобаллашув ва типология, глобаллашув ва адабий жанрлар поэтикаси, глобаллашув ва илмий-бадий талқин, глобал туйғулар талқини каби кўпдан кўп масалалар коллектив монографик тарзда ўрганилган⁴. Шунингдек, глобаллашув муаммосининг сиёсатшунослар, тарихшунослар нуктаи назаридан ҳам бир нечта монографик тадқиқотларда ўзбек илм-фананда тадқиқ этилди⁵.

³ Ассман А. Распалась связь времен? Взлет и падение темпорального режима Модерна. – М.: Новое литературное обозрение, 2017; Бек У. Что такое глобализация? – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с; Вигель Н.Л. Проблема диалога культур в современности // Экономические и гуманитарные исследования регионов. – 2015. – № 4. – С. 100–104; Единство мира и многообразие культур (материалы "круглого стола" украинских и российских философов) [Электронный ресурс]. URL: <http://ebiblioteka.ru/browse/doc/26076702> (дата обращения: 05.11.2018); Орнатская Л.А. Межкультурный диалог: проблемы и перспективы исследования // Вестник Санкт-Петербургского университета, 2014. Серия 6. Политология. Международные отношения. Вып. 1. – С. 48–60; Петрова Е. В. Проблема сохранения культурного многообразия в глобальном информационном обществе / Глобализация и проблема сохранения культурного многообразия / отв. ред. Ю.В. Хен. М.: ИФ РАН, 2010. – С. 127–148; Семьянинов П.В., Семьянинов В.П. О тенденциях глобализации // Социально-экономические явления и процессы. – 2012. – № 1 (35). – С. 152–158; Степин В.С. Глобализация, диалог культур и поиск новых стратегий развития / Степин В. С. Философская антропология и философия культуры. – М.: Академический проект; Альма Матер, 2015. – С. 243–255; Фролова С.М. Социокультурные проблемы повседневности и столкновение цивилизаций в условиях глобализации // Власть. – 2012. – № 2. – С. 9–13; Фролова С. М. Темпоральность как универсалия повседневной культуры // Власть. – 2011. – № 12. – С. 107–110; Хен Ю. В. Глобализация как фактор эволюции homo sapiens / Глобализация и проблема сохранения культурного многообразия / отв. ред. Ю. В. Хен. М.: ИФ РАН, 2010. – С. 34–50; Чумаков А. Н. Метафизика глобализации: культурно-цивилизационный контекст. – М.: Канон+; РООИ "Реабилитация", 2006. – 516 с.; Элмира А. Глобализация и судьбы национальных литератур. InternationalScientificJournalInter-nauka. // <http://www.inter-nauka.com>

⁴ “Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи” конференция материаллари. – Тошкент: Мухаррир, 2018. – 400 б; Глобаллашув: бадий талқин, замон ва қахрамон. – Тошкент: Фан, 2018. – 352 б; Глобаллашув: бадий талқин, замон ва қахрамон. 2-китоб. – Тошкент: Тамаддун, 2019. – 208 б.

⁵ Қаххорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009; Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Тошкент: Академия, 2011; Қосимов Н, Жумаев Ш., Тоғайкулов Т. Глобаллашув: оила ва фарзанд тарбияси. (Ота-оналар учун илмий-амалий қўлланма). – Тошкент: Турон замин зиё, 2016.

Аммо ҳали ҳозиргача ўзбек адабиётшунослигида глобал илмий-бадий талқин муаммоси монографик тарзда шу пайтгача ўрганилмай келади.

Истиқлол даврида кўплаб соҳалар каби адабиётшуносликда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўзбек адабиёти манбааларини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш, бадий матнни турли-туман ракурсларда талқин қилиш ҳаракатлари кучайиб бормоқда.

М.Қўшжонов, У.Норматов, Ҳ.Умуров, Д.Тўраев, Б.Каримов, Ҳ.Болтабоев, Д.Курунов каби олимларнинг ишларида мавжуд адабий асарларни янгича талқин қилиш, бадий матнни синчков таҳлил қилган ҳолда янгича талқин йўли ва усулларини кашф этиш кўзга ташланмоқда⁶.

Шу ўринда филология фанлари доктори Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” илмий монографияси диққатга сазовор. Кириш ўрнида берилган “Талқин назариясига доир” бобида замонавий адабиётшуносликдаги талқин усулларидан бири герменевтика ҳақида батафсил маълумот ва унинг асосий белги-хусусиятлари очиқ берилган. Монографиядаги “бадий талқин ва илмий талқин мувозанати” ҳақидаги фикр ишимиздаги шунга мос концепцияларни асослашга ёрдам беради.

Ўзбек адабиётшунослигида типологик қиёс ва ўхшашликлар ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб борилган⁷.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф1-80 “Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобал илмий-бадий талқин муаммосини адабий-эстетик категория сифатида аниқлаштириш, унинг структур ва қиёсий-типологик таҳлиллар билан боғлиқлиги, бадий матнни теран ва фалсафий жиҳатдан ўрганиш глобал илмий-бадий талқиннинг асоси эканлигини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

глобал илмий-бадий талқин глобаллашув даврининг маҳсули ва талаби эканлигини асослаш;

бадий маъно ва глобал бадий маъно глобал илмий-бадий талқиннинг пировард мақсади ва натижаси сифатида назарий умумлашмалар чиқариш;

⁶ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994; Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010; Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2004; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006; Каримов Б. Қодирий насри – нафосат қасри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014; Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент: Академнашр, 2015; Болтабоев Ҳ. Теранлик (“Анор” ҳикоясининг структурал таҳлили). – Адабиётимиз фаҳри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Куранов Д. Психологизм характеров в романе Чулпана “Ночь и день”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Курунов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998.

⁷ Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Фарғона, 2007; Камилова С. Нравственно-психологические искания в художественной литературе 70-90-х годов XX века (на материале произведений В.Распутина и А.Якубова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2008.

структур таҳлилнинг назарий асослари, уни бадиий асар тадқиқида қўлланиш принципларини яратиш, глобал илмий-бадиий талқинда структур таҳлилнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

бинар ва тринар типология, уларнинг глобал илмий бадиий талқиндаги ўрни ва иштирокини асослаш, адабий сиймо ва бадиий асарларни типологик қиёслаш глобал бадиий маъно манбаи сифатида амалий ва назарий асослаш;

адабиёт фалсафасининг бадиий асарга алоҳида, хос ёндашув сифатидаги хусусиятларини белгилаш, у глобал илмий-бадиий талқин маркази ва моҳиятидаги ҳодиса эканлигини илмий-назарий далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек мумтоз

ва XX аср ҳамда жаҳон адабиётидаги мавзу доирасига кирадиган асар, хусусан Алишер Навоий ғазалиёти, “Муножот” асари, форс тилидаги “Тухфат ул-афкор” қасидаси, Платон, Шекспир, Пушкин асарлари, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романлари, Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, Азиз Абдураззоқнинг “Оқликка шафқат”, “Эҳтиёт шарт” каби асарлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини глобал илмий-бадиий талқин муаммоси адабий-эстетик таҳлил усули сифатида ҳозирги глобаллашув даврида муҳим ўринга эгаллиги; ушбу талқиннинг тарихий илмий-анъанавий асослари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини глобал илмий-бадиий талқин бўйича кўриб чиқилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда аналитик, қиёсий-типологик, герменевтик ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

глобаллашув таъсирида шаклланаётган бадиий онг ва илмий-бадиий тафаккур асносида илмий-бадиий таҳлил ва талқиннинг илмий-назарий асослари, сўз ва образлар поэтикасини белгилашида намоён бўлиши янги ҳодисалиги, глобал илмий-бадиий талқин адабий-эстетик категория эканлиги асосланган;

лексик маъно билан бадиий маънонинг муштарак ва фарқли жиҳатлари, бадиий маъно сифат ва миқёс жиҳатидан янги ҳодиса бўлиб, бадиий маъно адабий матннинг специфик хусусияти эканлиги далилланган;

бадиий матннинг глобал илмий-бадиий талқини бадиий маънонинг универсал миқёс, фалсафий теранлик ва ирфоний моҳият касб этиши сифатида асосланиб, глобал бадиий маъно бадиий маънонинг ҳадди аълоси эканлиги кўрсатилган;

структур таҳлил глобал илмий-бадиий талқин воситаси, структур тафаккур бадиий матнни англаш ва шарҳлашда методологик йўл, бадиий асар структурасини ўрганиш унинг ботиний жиҳатларини кашф этиш сифатида далилланган;

бадиий асар структурасида анъанавий учлик (триада) принципининг бадиий вазифаси, унинг асар бадиий ғоясини очишдаги ноёб хизмати “Ўткан кунлар” романи мисолида очиб берилган;

мумтоз ғазалдаги байт структурасида қиёс усулининг етакчилик қилиши ҳамда байт поэтик маъносини кучайтиришдаги ўзига хос ўрни, мисраларнинг ёнма-ён туриши, ўз-ўзидан, қиёс ҳолатини ҳосил қилиши далилланган;

қиёсий типологик усул глобал илмий-бадий талқиннинг илмий-методологик қуролларидан бири сифатида қиёсланган ҳодиса ва маъноларни бойитади, муайян даражада ўзгартириши асослаб берилган;

адабиёт фалсафаси янги илмий йўналишлиги, бадий асарга буткул умумий нуқтаи назардан ёндашиш усули сифатида моҳиятан глобал илмий-бадий талқин эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

глобал бадий маъно ва глобал илмий-бадий талқин атамалари ўзбек адабиётшунослигига олиб кирилган, уларнинг параметрлари, асосий хусусият ва моҳияти очиб берилган;

бадий маънонинг белги-хусусиятлари аниқланиб, унинг глобал бадий маъно томон тадрижи бадий матн таҳлили орқали кўрсатиб берилган;

Алишер Навоийнинг айрим асар ва байтлари янги талқин этилган ҳамда улардаги илоҳий-уғоний маъно моҳиятан глобал бадий маъно эканлиги илмий йўсинда қайд этилган;

глобал бадий маъно глобал илмий-бадий талқиннинг мақсади ва эришиладиган натижаси сифатида ўзбек адабиётшунослиги учун алоҳида аҳамиятга эга категорияга айланиши изоҳланган;

глобаллашув жараёни типологик тадқиқотлар, ўзбек адабиётининг буюк сиймолари, улуғ бадий обидаларни жаҳон адабиётидаги сиймо ва асарлар билан солиштиришга кенг имконият очиб бериши далилланган;

адабиёт фалсафаси моҳиятан глобал талқин бўлиб, жаҳон ва ўзбек адабиётидаги мавжуд бадий асарларни чуқур ва самовий нуқтаи назардан таҳлил ва талқин қилиниши самарали йўл эканлиги тасдиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммоларнинг аниқ белгиланганлиги, улар аналитик ва қиёсий-типологик усуллар асосида тадқиқ этилгани, жаҳон ва миллий сўз санъати, умуминсоний ва илоҳий тамойилларга асосланган ҳолда илмий-назарий хулосалар чиқарилганида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти глобаллашув таъсирида шаклланаётган янги бадий онг ва янги бадий ҳамда илмий-бадий тафаккур асносида илмий-бадий таҳлил ва талқиннинг илмий-назарий асослари, сўз ва образлар поэтикасини белгилашида намоён бўлади ҳамда ўзбек мумтоз ва янги ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти намуналарини структур ва қиёсий-типологик усулларда текшириш, герменевтик ва қиёсий-типологик усулларини қўллаган ҳолда адабиётшуносликда фундаментал тадқиқотлар яратишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти глобал илмий-бадий талқин концепциясини фалсафа, психология, диншунослик фанларига ҳам самарали қўллаш имкониятини бериши, ишнинг илмий хулосаларидан олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейлар учун ўзбек

адабиёти бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорийланиши: Глобал илмий-бадий талқин муаммоси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Глобаллашув ва бадий адабиёт”, “глобаллашув”, “глобал хавсизлик”, “глобал муаммолар”, “глобаллашув тушунчаси ва унинг етакчи белгилари” ҳақидаги илмий-назарий қарашлари ва хулосалардан ФА-Ф8-32 рақамли “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2020 йил 23 июндаги №3/1255-1302-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек фольклори ва адабиёти тарихини яратишда илмий-бадий талқиннинг янгича методологик асослари амалиётга киритилган;

илк бадий талқинлар, глобаллашувнинг ижтимоий муаммо сифатида ўрганилиши борасида чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Ф1-ФА-055746 рақамли “Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2020 йил 23 июндаги №3/1255-1302-сон маълумотномаси). Натижада структур таҳлилнинг назарий асослари, унинг бадий асар тадқиқида қўлланиш принциплари ижодкорлар архивидаги бадий асарларни таснифлаш ва талқин қилишга хизмат қилган;

Алишер Навоий ижоди бўйича чиқарилган янги илмий талқинлар ва умумий илмий-назарий хулосалардан А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги №89-03-3304-сон маълумотномаси). Натижада, Алишер Навоий асарларининг глобал илмий-бадий талқинини бойитишга асос бўлган;

глобал илмий-бадий таҳлил, глобаллашув ва типология, Абдулла Қодирий ва Шекспир асарлари ўртасидаги бадий муштаракликларга доир чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлимида озарбайжонлик ўзбекшунослар томонидан фойдаланилган (Низомий номидаги Адабиёт институтининг 2020 йил 16 июндаги маълумотномаси), Натижада глобал таҳлилнинг адабий фалсафий асослари ҳақидаги билимларни кенгайтиришга эришилган;

глобал илмий-бадий талқин ва бадий маънонинг универсал миқёси, фалсафий теранлик ва ирфоний маъно, структур таҳлил глобал илмий-бадий талқиннинг асосий методлардан бири экани, мумтоз ғазалиётда илк байтнинг поэтик маъносини ифодалашдаги функционал вазифаси хусусидаги илмий-назарий хулосалардан Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлимида озарбайжонлик ўзбекшунослар томонидан фойдаланилган (Низомий номидаги Адабиёт институтининг 2020 йил 16

июндаги маълумотномаси). Натижада Алишер Навоий ғазалиётида байт структураси ҳақидаги илмий хулосалар лойиҳа учун назарий манба сифатида хизмат қилган;

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Алишер Навоий поэтикасини ўрганишда кўтарилган муаммоларига доир амалий материаллардан айрим кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали”нинг 2020 йил 28 майдаги 02-02-651-сон маълумотномаси). Натижада “Ўзбекистон телеканали”да тайёрланиб, эфирга узатилган “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Ассалом, Ўзбекистон!”, “Муносабат” каби кўрсатувларнинг савияси оширилишига эришилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабий танқид ва адабиётшунослик бўлимининг 2019-2020 йиллар давомида ўтказган турли йиғилиш ва муҳокамаларида диссертация илмий натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 28 майдаги № 01-03-06-/524-сон маълумотномаси). Натижада, диссертантнинг қарашлари асосида қиёсий типологик усул глобал илмий-бадиий талқиннинг илмий-методологик қуролларидан бири сифатида қиёсланган ҳодиса ва маъноларни бойитади, муайян даражада ўзгартиради деган илмий хулосага келинган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Алишер Навоий бадииятини ўрганишда кўтарилган муаммоларига оид амалий материаллардан айрим эшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон ДУК”нинг 2020 йил 12 октябрдаги 04-25-934-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон телерадиоканалида тайёрланиб, эфирга узатилган “Тилга эътибор”, “Бедорлик”, “Адабий жараён” каби эшиттиришларнинг мавқеи оширилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро конференция ва 6 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 1 та, шу мақомдаги республика журналларида 18 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн тўртта фаслни ўз ичига олган тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 226 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ҳар қандай илмий-бадий талқин маъно нуқтаи назаридан амалга оширилиши ва у талқин поэтикасида етакчи ўрин тутиши ҳамда глобаллашув даврида илмий-бадий талқин муайян миқдор ва сифат ўзгаришларга учрашидан келиб чиқиб, диссертациянинг биринчи боби **“Глобаллашув ва илмий-бадий талқин”** деб номланган. Унинг *“Бадий маъно”* деб аталган биринчи фаслида сўз ва унинг маъноси дастлаб тилшуносликда лексик маъно сифатида ўрганилиши қайд этилиб, унинг бадий адабиётда бадий маънога айланиш жараёни кузатилади.

Бадий маъно вужудга келиши ва юзага чиқишида, айниқса субъектив омил – муаллиф ва тадқиқотчи қалбида илҳом ҳолати ниҳоятда муҳим. Бу тушунча, яъни илҳом, илоҳ ва илоҳий сўзлар билан ўзакдош бўлиб, у илоҳий файз, Ҳақ таолодан етгувчи файз йўли билан пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатларни англатади. Бу ерда маъно ва ҳақиқат ўринбосар сўзлар сифатида келиши бежиз эмас, зеро чинакам улуғвор маъно ҳақиқат, баъзан илоҳий ҳақиқат рутбасига кўтарилади. Шу ўринда илҳом ҳар икки субъектив омил – муаллиф ва тадқиқотчига бирдай тегишли бўлиши лозим. Аниқроғи, асар яратилгандаги илҳом тадқиқотчи кўнглида ҳам бир қадар содир бўлмоғи лозим. Акс ҳолда у асарнинг хиссий-интеллектуал доирасига, орбитасига кира олмайди.

Тилшуносликда сўз ёки лисоний белгининг валентлиги деган тушунча бор. Маълумки, бу атама кимё илмидан олинган бўлиб, бирор элемент атомининг бошқа элемент атомлари билан бирика олиш қобилиятини англатади. Агар буни сўзга кўчирадиган бўлсак, муайян сўзнинг бошқа бир сўз билан бирикиб, маъно англатиш қобилиятидир. Бу ҳақда йирик файласуф ва филолог А.Ф.Лосевнинг *“Лисоний белгининг чексиз маъновий валентлиги”* номли катта мақоласи мавжуд⁸. Ҳақиқатдан ҳам сўзнинг, айниқса бадий асардаги сўзнинг ўзаро бирикиб маъно англатиш қобилияти чексиздир. Агар бу атамани маънога нисбатан қўллайдиган бўлсак, у маъноларнинг ялпи ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро бирикиб, янги маънолар ҳосил қилиши ва бундай имкониятнинг чексизлигини англатиши мумкин.

Бадий маъно, маълумки, тоза ва юксак қалбдан чиққан санъаткорона ижод маҳсулидир. Абдулла Қодирий 1925 йилда чоп этилган *“Муштум”* (Танқид) мақоласида ёзади:

“Ёзғучилиқда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони, фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас – санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингни ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин!”⁹.

Кўрамизки, буюк адиб сўзни эмас, маънони олдинги ўринга қўймоқда. Ул зотнинг фикрича, бу психология илмида тасдиқланган ҳам, дастлаб илҳом оғушидаги ижодкор шуурига муайян маъно ва фикр келади, буни қайд этиш

⁸Қаранг: Лосев А.Ф. Знак. Символ. Миф. Труды по языкознанию. – М.: Изд. МГУ, 1982. – С. 114-144.

⁹ Қодирий Абдулла. III. Диёри бакр. – Тошкент: Info capital Group, 2017. – Б. 297.

жуда қийин, албатта, лекин ҳақиқатдан ҳам шундай. Шундан кейингина ушбу маъно ўз ифодасини топиши учун сўз қидирилади. Лекин шунчаки сўз эмас, санъаткорона сўз. Яъни уни топиш, ўрни-ўрнига жойлаштириш жараёни ишга тушади. Бу сўз ясама, тўғри келган, тасодифий эмас, айтилмоқчи маъно учун махсус, танҳо бўлмоғи лозим.

Буюк адиб тасвирлаган бу ҳолат ижодий жараён, асар яралиши онларига тегишли. Асарни, бадиий матнни идрок қилиш, яъни тадқиқот пайтида жараён терсга ўгирилади: топилган ва ўрнига тушган санъаткорона сўз энди ўзи маъно (иккинчи, сўзга муҳрланган маъно) тарата бошлайди. Айни шу маъно, одатда, бадиий маъно ҳисобланади.

Диссертация биринчи бобининг иккинчи фасли – “Глобал бадиий маъно” деб номланиб, бунда бадиий маъно ва глобал бадиий маъно орасидаги нисбат ўрганилиб, бадиий маъно асарда тасвир этилган ҳолат ва ҳодисанинг туб моҳиятига дахл қилгандагина глобал миқёс касб этиши, яъни глобал бадиий маънога айланиши қайд этилади. Фаслда Алишер Навоийнинг машҳур қитъаси:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чикмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних
Эрур ҳаммомдин нопок чикмоқ

глобал бадиий маъно нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Қитъа бир-бирига қиёсан қўйилган икки байтдан ташкил топган ва муқояса шунчалик мукамалки, биринчи байтдаги бир неча таянч сўз-тушунчалар иккинчи байтдаги ўз муқобиллари билан топишадилар, бу топишув эса асар мазмунини беҳад чуқурлашуви ва глобал маъно яралишига имкон яратади.

Агар икки байтни миқёс жиҳатидан солиштирадиган бўлсак, улкан маъно биринчи байтда айтиб қўйилган, унда иккинчи байт нега керак, деган савол туғилади. Иккинчи байтда қиёс яралади ва бу қиёс ҳаммага тушунарли ҳаётий асосга эга. Ҳаммомга кирмоқдан мақсад покланиш, тозаришдир. Худди шундай “олам уйи” ҳам тозариш, покланиш (энди бу юксак маърифий маънода) мукамал инсонийликка эришув имкони ва маконидир. “Комил инсонлик одам боласининг бу имтиҳон дунёсида интилган, интилиш лозим бўлган энг нурафшон манзил, олий мақсаддир. Бу манзил – мақсад йўлидаги бирламчи машғулотимиз эса, кўнгилни оқ, дилни соф, қалбни беғубор, юракни тоза тутиб, руҳни муттасил балойи нафсининг кирдикорларидан поклай боришдир. Инсоний тирикликнинг асл маъноси ва пировард мақсади ҳам шудир”¹⁰.

Қитъанинг олий глобал маъноси фақат бу билан чекланмайди. Ундан ташқари бу асар, қитъа бор буди билан юксак жаҳоний маснадда яратилган, ундаги “воқеа” рўй бериш жойи – бежиз “олам уйи” ҳамда “жаҳон” эмас.

Юқорида айтилганидек, ҳар икки байт бири-бирига қиёс тарзида рўбарў қўйилганидан ташқари, иккинчи байтнинг ўзида ҳам қиёс бўлиб, у “биайних” (айнан) сўзи билан муҳрланади. Яъни жаҳондан нотамом, комил инсонлик касб

¹⁰ Рангларга яширинган сирлар (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Юсупова). – Тошкент: Davr Press, 2010. – Б. 74.

этмай ўтиш ҳаммомга кириб, ундан кир ҳолда чиқишдай беўхшов ҳолатга менгзалмоқда. Айтилганидай, бу байт биринчи байт учун тиргак, ҳаёти-дунёдан олинган таянч тимсол.

Бу байт юқоридаги байт билан қиёсий жараёнга киришар экан, улардаги бир неча таянч сўзлар ўзаро учрашади ва маъновий мулоқотга, алкимёвий реакцияга киришади.

Булар: 1. олам уйи – ҳаммом

Икки тушунча бир-бирига ўтади ва ҳар иккиси муайян ўзгаришга, эврилишга учрайди: олам уйи, яъни жаҳон ҳаммомлик, покланиб тозарадиган жой хусусиятига эга бўлади, ҳаммом эса бажарадиган вазифа кичик ўрнидан беҳад кенгайиб, жаҳоншумул кўлам касб этади, олам уйига тенглашади. Оқибатда жаҳон улғвор бир ҳаммом, тозариш ва покланиш маскани деган глобал маъно вужудга келади.

2. ғамнок – нопок.

Бу муқояса ғайриоддий кескинлиги билан эътиборни тортади. Илк қарашда ғамноклик (қайғуга ботиш) қаердаю нопоклик (кир-чирлик) қаерда? Лекин бу чала тасаввур, ҳамда у чуқур фикр ва улкан маъно дебодасидир. Мазкур даъво исботи учун мумтоз адабиётимиз, жумладан Ҳазрат Навоий ижодининг тағзаминида турувчи илоҳий китобимиз “Қуръони карим”га мурожаат қиламиз. “Фуссилат” сурасининг 26-29 оятларида кофир бўлиб, Оллоҳ душманлари бўлган кимсаларга бериладиган жазо ва азоблар ҳақида гапирилиб, кейинги 30-оятда айтилади: “Албатта “Парвардигоримиз Оллоҳдир” деб, сўнгра (ёлғиз Оллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри – устивор бўлган зотларнинг олдиларига – (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): “Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар (таъкид бизники – С.М.). Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар!”¹¹

Юқорида қитъа тамом муқояса ва зидлов асосига қурилгани айтилган эди. Асар сарлавҳаси ҳам қиёс ва зидликни таъкидлайди: “Камол касбига далолату нуқсонидин изҳори малолат”. Бундаги “далолат” йўлга солиш, ундаш бўлса, “малолат” оғриниш, кўнгилга етган оғирчиликни англатади ва сарлавҳадаёқ камолот – нуқсон, далолат – малолат зидлиги вужудга келади.

Асар вужудида ҳам зидлик сақланади ва у қитъада ҳоким мавқеда бўлган инкор усули билан ҳамкор, баҳамжихат ишлайди. Асарда ягона тасдиқ – “Камол эт касбким...” бор, қолган барча маънолар инкор, бўлишсизлик орқали олға сурилади. Инкор ва тасдиқнинг бирикиши “Санга фарз ўлмағай ғамнок чикмоқ” сатрида ўзининг ҳадди аълосига чиқади. Умуман ушбу мисра ҳажман кичик, мазмунан муаззам бадий асарнинг маънавий ва маъновий марказидир. Айни ушбу мисра билан асар юқорида келтирганимиз қуръоний маъно билан учрашади ва мулоқотга киришади.

Шу ўринда мисрадаги “фарз ўлмағай” жумласига эътибор қаратайлик. “Фарз” тилимизга араб тилидан ўзлашган диний сўз бўлиб, луғовий маъноси

¹¹Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 447.

“фармойиш, амр, кўрсатма”дир. У “Шариатда барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган диний амаллар”¹²ни билдиради.

Демак, олам уйидан ғамнок чиқиш, уни тарк этиш “сен”, яъни жумлаи одамга бундай қилмасликка амр қилинмоқда.

Иккинчи байтдаги муқоясада “жаҳондин нотаом ўтмак” билан “ҳаммомдин нопок чиқмоқ” тенглаштирилмоқда. Бунда битта сўзга махсус эътибор зарур – “нотаом”. Унинг ўзагидаги “тамом” ҳозирги тилимиздаги каби тугамоқ эмас, асарда айнан луғовий маъноси – “тўлиқ, мукамал” билан ишлайди. Унинг қитъадаги зиди “нотаом” тўлиқ эмас, мукамал эмас, нуқсли деганидир. Иккинчи байтда “нотаом” билан “ҳаммом” сўзларининг оҳангдошлиги, “нотаом”нинг “нопок” билан шаклдошлиги (инкор олдқўшимча) ҳам оҳанг ва маъно тизимида муайян рол ўйнайди. Ундан ташқари “нопок” сўзи (пок ўзаги билан албатта) моддийликдан кўра маънавиятга, руҳониятга қараб интилади ва шу билан у “ҳаммом” сўзи ва тушунчасини юқорида айтилган мавқега олиб чиқади.

Қофиядош сўзлар (ғамнок – нопок)дан кейин такрорланиб келадиган сўз – радиф “чиқмоқ” бир қараганда ғоят оддий тушунча, лекин у ҳар икки ўринда, аввал икки маъно – ўлмоқ, дунёни тарк этмоқ ва бир жойдан чиқмоқни англатса, сўнг янги юқорироқ маъно – олам бу бани одам тозариб покланадиган ҳаммом – қоим бўлгач, энди ҳар икки “чиқмоқ” ягона маъно – олам уйини тарк этишни англата бошлайди.

Глобал маъно вужудга келиши, олам уйи – ҳаммом деган самарали муқояса ва ҳукм яралиши учун “ҳаммом” сўзи айнан рамзга айланиши, рамзий моҳият касб этиши зарурдир. Маълумки, рамзда бир воқелик иккинчи воқелик томон кўчади ҳамда каттароқ миқёсга чиқиб боради.

Учинчи фасл “Глобал илмий-бадий талқин” деб номланган. Глобаллашув глобал бадий талқинларга йўл очар, ҳатто шуни талаб қилади экан, глобал талқиннинг моҳияти бадий асарни таҳлил ва талқин қилишда янги миқёсга чиқиш, асардаги туйғу, воқеа-ҳодиса ва образларни ҳадди аълосига етказиб тушунтиришдир.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, талқин ҳам глобал бўладими? Савол ўринли, чунки бу ғалати боғлиқлик – глобал талқин. Кўтарилган масалалар, ғоялар глобал бўлиши мумкин, лекин талқин-чи? Тилимизда “чек” деган сўз бор, у нарса ёки ҳодисаларнинг энг сўнгги чегараси, ниҳояси, поёнини англатади. Муайян бадий асардаги бирор образ ёки воқеани охириги нуқтага (бу нуқта мутлақ охиригиси, деб ҳеч ким айтолмайди, лекин ҳозирча, бошқа таҳлил топилгунча охириги деб ҳисобланади) олиб чиқиб талқин қилишни биз глобал бадий талқин деб ҳисоблаймиз.

Талқиннинг қадимий тарихи ҳақида гап кетганда, Аристотелнинг “Талқин ҳақида” (русчаси “Об истолковании”, аслиятда “Peri hermeneias”, лотинчада “De interpretatione”) асарини тилга олинади. Унча катта бўлмаган бу рисола (трактат) ҳозир биз тушунадиган талқин назариясига унча мос келмайди. У

¹²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 328.

буюк файласуфнинг мантикқа оид асарларидан бўлиб, унда асосан тил, ёзув, чин ва ёлгон нутқ, исм, феъл каби мантикий категориялар тадқиқ этилади¹³.

Буюк файласуф бобомиз Абу Наср Форобийнинг “Фалсафани ўрганишга киришувдан аввал нимани билиш керак” рисоласида Арасту (Аристотель)нинг “Бари(хор)минийас” (“Талқин ҳақида” ёки “Герменевтика”) икки бор тилга олинади¹⁴. Форобийнинг ўзи ҳам “Таълиқот” (“Талқин”, “Герменевтика”) номли асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор.

Ундан ташқари мусулмон Шарқда муқаддас китобимиз “Қуръони карим”га қилинган кўплаб тафсирлар, яъни шарҳлар моҳиятан талқинлардир. Талқин ҳақида ўзбек адабиётшунослигида муайян тадқиқотлар олиб борилган. Шундай муҳим ишлардан бири профессор Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” китобидир. Унинг кириш ўрнида берилган “Талқин назариясига доир” мақоласи соф назарий йўсинда ёзилгани билан диққатга сазовор. Олим “Бадиий талқин негизида юксак образли тафаккур, воқеликни санъат тилига кўчириш туради” деб ёзар экан, у бунда албатта адабий асарнинг яратилиш жараёнини кўзда тутди. Назаримизда, бу талқиннинг илк босқичи. Ижодкор асарига нукта қўйиши билан муаллиф талқини ниҳоясига етади ва асар китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Энди асарнинг илмий-бадиий талқин даври бошланади. Б.Карим ёзганидек, “Ёзувчи бадиий талқинининг тўла равишда, барча ғоялари, қарашлари, фикрларига мос суратда илмий тилга кўчириши, илмий талқинда ўз ифодасини топиши адабий-эстетик ҳақиқатни юзага чиқаради; санъаткор ва олим орасида фикрлар мувозанати пайдо бўлади”¹⁵.

Умуман олганда, ушбу кириш бобда талқин назарияси ҳақида жиддий ва самарали фикр ҳамда ғоялар олға сурилган. “Бадиий талқин ва илмий талқин мувозанати”, “Тушуниш талқин жараёнининг ижодий натижасидир. Талқин – тушунтириш жараёни” каби фикрлар самарали ва махсус тадқиқ этишни талаб қиладики, уларнинг шу тарзда қўйилишининг ўзиёқ мақтовга лойиқдир.

Талқин шунчалик кенгқамров сўз ва тушунча ва ўзига хос бир куч эканки, у нарса ёки ҳодиса ҳақидаги баҳо ва фикрни ҳатто – ё яхши, ё ёмон томонга буриб юбориш қудратига эга экан. Луғатда талқинга шундай изоҳ берилади: “Бирор масалани бошқа кишига аниқ қилиб тушунтириш”¹⁶. Демак, масалага қандай йўналиш, сиёҳ бериш талқинчи ихтиёрида бўлади. Бу ҳаётий ва ижтимоий масалаларга ҳам тегишли. Лекин гап ўзига хос сирли ҳодиса бўлган бадиий асар ҳақида кетадиган бўлса, талқиннинг мавқеи ва масъулияти янада ошади, энди у бежиз илмий-бадиий талқин деб аталмайди.

Шунингдек, ушбу фаслда Ойбек “Қутлуғ қон” романидаги Йўлчи, Ч.Айтматов “Жамила” қиссасидаги Дониёр образлари замиридаги моҳият глобал илмий-бадиий талқин нуктаи назаридан таҳлил қилинган.

Бадиий асарни глобал бадиий маъно нуктаи назардан ўрганиш ундаги аввал пайқалмаган маъно ва маънолар қатламини очишга имкон беради. Глобал

¹³ Қаранг: Аристотель. Соч. В 4-х т. Т. 2. – М.: Мысль, 1978. – С. 91-116.

¹⁴ Қаранг: Аль-Фараби. Философские трактаты. – Алма-ата: Наука, 1971. – С. 8, 14.

¹⁵ Қарим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 4.

¹⁶ Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача туғат. – Тошкент: Ўз ФА нашриёти, 1953. – Б. 326.

бадий маъно улуғ ва пировард ҳақиқатларга таянади, уларнинг тасвир ва ифодаси бадий мукамал бўлиши шарт.

Глобал бадий маъно глобал илмий-бадий талқиннинг мақсади ва бош иштирокчисидир. Бундай талқинга вақт синовидан ўтган юксак сўз санъати намуналаригина муносиб бўлади.

Глобал илмий-бадий талқин аксар ҳолда Яратганга боғлиқ равишда яқун топади. Зеро, Яратгандан олий яна нима бор?

Иккинчи боб “Глобал илмий-бадий талқин ва структур таҳлил” деб аталиб, унинг биринчи фасли “*Структур таҳлил моҳияти*” деб номланган.

Кўринадики, бадий асарни структура жихатидан тадқиқ этиш, яъни структурализм чуқур фалсафий ва ҳатто квантфизикавий асосга эга. Худди микрооламдаги бевужуд зарралар каби – уларни оддий кўз билан кўриш мутлақо мумкин эмас – бадий образлар ва умуман бадий воқелик муайян давр ва унда яшаётган одамларни акс этгирса-да, амалда у тил воситасида яралган бевужуд реалликдан бошқа нарса эмас. Бадий асар идеал реаллик сифатида ҳеч қандай моддий вужудга эга эмас. Ҳарфий белгилардан иборат қоғоздаги сўзларни, китоб ҳолидаги асарни моддий вужуд деб бўлмайди, албатта. Бу – асар борлигининг ташқи, зоҳирий кўриниши, холос. Бадий асар ўқилиш жараёнида ўқиётган субъект онгида ҳақиқий маънода **вужудга келади**. Лекин бу ҳам моддий вужуд эмас. идеал вужуд, яъни кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган, фақат тасаввурда яшайдиган хаёлий вужуд, юқорида айтилганидек, идеал ёки нореал реалликдир.

Структура масаласи оламнинг туб асоси, илк тузилишига бориб тақалади. Материянинг тузилиш-таркиби ҳақидаги замонавий концепцияларда геометрик структура ва у билан боғлиқ симметрия масаласи муҳим долзарблик касб этмоқда. Бундай изланишларда математик методларнинг кенг қўлланиши структура масаласини биринчи планга олиб чиқади.

Бинобарин, оламнинг туб асосида муайян аниқ структура мавжуд эканлигининг ўзиёқ ҳодисани, объектни структура нуктаи назаридан ўрганувчи тадқиқот методини юксак бир мавқега кўтаради. Структурализм таълимоти ўзагида “структура” тушунчаси туради. Масалан “структура” атамаси математикада қўлланганда “у яшириш ботиний нимадир ҳақида тасаввур беради ва бир пайтнинг ўзида схема, модель ҳақида фикр уйғотади”¹⁷. «Структура» атамаси адабиётшуносликда қўлланганда ҳам бу фикр ўз кучида қолади.

Бадий асар ёхуд бадий матнга структур ёндашув илмий тадқиқотнинг пировард мақсади эмас, балки унинг самарали бўлиши учун қўлланадиган бир восита, холос. Структур ёндашув муайян илмий усул бўлиб, у бутун асар ёки маълум контекст зимнидаги бадий маъно ва мазмун теранликлари кашф этилишига кўмаклашмоғи лозим.

Структурал нигоҳ якка ҳодисага қаратилганда унинг ички ва қуйи қатламларига кириш, воқеа ва образларнинг рамзлашув даражасини аниқлаш, аввал кўзга ташланмаган **маъно ўчоқларини** кўрғазмали тарзда очиш

¹⁷ Пэнто Р., Гравитц М. Методы социальных наук. - С. 286.

имконияти туғилади. Агар шундай нигоҳ объектга (ходисага) янада яқинлаштирилса, унда муайян образ (персонаж) ҳам структура нуктаи назаридан ўрганилиши мумкин. Структурализм асосчиларидан бири Р.Якобсон Пушкин ижодидаги «ҳайкал» образини тадқиқ этиш жараёнида шундай ёзганди: «Лекин бизни ушбу поэтик образ ва поэтик мифнинг ички структураси ортиқ даражада жалб қилади»¹⁸. Демак, муайян бадиий образнинг ички структураси, яъни бир образ структураси борасида ҳам илмий тадқиқот олиб бориш мумкин. Бу образ қатидаги маъно ва жиҳатларни кенгроқ ва теранроқ очиш имконини беради. Шунда образ қаъридаги бадиий куч – **образ энергетикаси** аниқ асосга эга бўлади.

Бадиий асарни структура нуктаи назаридан текшираётганда икки турдаги структурани фарқлаш зарур кўринади: сиртки структура ва ички структура.

Бадиий асар, у хоҳ кичик ҳикоя, шеър ёки достон, хоҳ йирик ҳажмли роман бўлсин, қандайдир сиртки бўлинишларга эга бўлади. Кичик ҳикоя ҳеч бўлмаса абзацлардан, шеър бандлардан, достон, қисса ва роман бўлим ва боблардан (ёки фақат боблардан), драма парда ва кўриниш (сахна)лардан ташкил топади. Ушбу бўлақлар ўз ҳолича структур элементлар ҳисобланиб, бадиий асардаги воқеа ва ҳис-туйғу ҳаракати ҳамда сюжет ривожига, яъни бадиий материалнинг тақдим этилишида муайян роль ўйнайди. Уларни **бадиий асарнинг сиртки структураси**, деб аташ мумкин.

Бадиий асарнинг ички структураси асардаги воқеалар ривожига, ундаги у ёки бу қаҳрамон хатти-ҳаракатидаги қонуний алоқадорликлар мажмуи бўлиб, уни аниқлаш учун асарга буткулқамров ва синчков нигоҳ ташлаш зарур бўлади. «Бадиий асар структураси – сўз санъати бўлган асарнинг тузилиши, унинг ички ва ташқи томондан ташкилланиши, уни ташкил этувчи элементларнинг алоқага кириш усуллари дир. Муайян структура мавжудлиги асарнинг яхлитлигини, унда ифодаланган бадиий мазмунни гавдалантириш ва таъсирчан етказиш қобилиятини таъмин этади»¹⁹.

Бадиий асардаги ҳар бир персонаж асар тузилмасида ўзига хос структур бирликдир. Асарда етакчи мавқеда туриб, унинг воқеий, бадиий-ғоявий ва фалсафий юкини ўз зиммасига олган бадиий образлар эса **асарнинг етакчи структур бирликлари** ҳисобланади. «Структурасиз жисмлар оламда бўлиши мумкин эмас»²⁰ бўлгани каби структурасиз бадиий асар ҳам йўқ. Фақат тадқиқотчи асар структурасини аниқлашда бадиий-ҳиссий ва эстетик ҳамда интеллектуал жиҳатдан тийрак бўлиши лозим. Тўғри ва аниқ белгиланган структура бадиий асардаги мавжуд бош бадиий ғояни топишва асарнинг бадиий маъно уфқини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Шунда асарга тушадиган структур калит топилган бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли “*Ўткан кунлар*” романи структурасида *учлик принципи*” деб номланиб, бунда асосан биринчи ўзбек романи структурасига асосий эътибор қаратиб, унда учлик принципи етакчилик қилиши қайд этилади.

¹⁸ Якобсон Р. Работы по поэтике. - М., 1987. - С. 166.

¹⁹ ҚЛЭ. Т. 7. - С. 228-229.

²⁰ Философия луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976.– Б. 455.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, "Ўткан кунлар" романи бадиий структурасининг бош хоссаси - триададир.

"Ўткан кунлар" романи айнан уч бўлимдан иборат бўлиши унинг структурасидаги илк ва муҳим маъно ташувчи аломат. Яна қизиғи шундаки, структура сўзининг ўзак асоси "тр" бўлиб, у қадимги ҳинд тилидаги три (уч) сўзига бориб туташади²¹. Бундан кўринадики, ҳар қандай ҳодиса бутунлик ҳосил қилиши учун албатта учликка эришмоғи зарур: бир (у бу ерда бутун бир эмас, балки учликнинг илк ҳади) пайдо бўлган ва бирикишга тутунган ҳодисанинг бир бўлаги, икки бирга қарши турган, у билан алоқага киришга чоғланган қисм, фақат уч вужудга келиб, бир ва икки муайян алоқага киришгандагина ҳодиса бутунлик яъни структура касб этади. Бундай алоқадан муқаррар ўзаро таъсир туғилади. Демак, структурага эга бўлиш ҳодиса бутунликка эришди, деганидир.

Уч тоқ сон эканини қайд этиб, ҳар уч бўлимдаги боблар сонига эътибор қаратайлик: 1-бўлимда 23 боб, 2-бўлимда 17 боб, 3-бўлимда яна 17 боб, уларнинг йиғиндиси 57 ва уни бўлимлар сони 3 га бўлсак 19 чиқади. Бўлимлар, улардаги боблар сони ва бўлинганда чиқадиган барча сон-тоқ сон. Тоқ-сон, тоқлик, Шекспирнинг Ҳамлети "Замон издан чиқди, О, бу машъум бир алам" (Жамол Камол таржимаси) дегани каби вазият яхши эмаслигига ирфоний ишора, фожеликнинг рамзий математик белгиси, ҳойнаҳой. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да тоқ сўзига "иккига бўлинмайдиган, жуфт бўлмаган ... жуфти, шериғи, тоқаси бўлмаган; жуфтсиз, ёлғиз" ва "хотинсиз ёки эрсиз" дея изоҳ берилиб, С.Сиёевнинг "Аваз" романидан шундай мисол келтирилади: "Юпун дастурхондаги тоқ нонлар яқинда бу уйдан ўлик чиққанини кўрсатади"²².

Ушбу мисол ҳам тоқ сони азалдан халқимиз онгида кўрғилик, кулфат рамзи бўлиб келганини кўрсатади. Жуфт сон, жуфтлик тоққа зид ўларок ҳамиша ҳамжиҳатликни, тўқис-туғалликни англашиб келган. Нон синдириш маросимида албатта иккита, жуфт нон синдирилиши, нон синдирадиган одам албатта бир аёл билан яшаб ўтган бўлиши лозим. Иккинчи никоҳдан ўтилганда жуфтлик бузилиб, тоқликка, тоқ сонга ўтиладики, тоқликка, тўқонликка ўтиш бахтсизлик саналади, ундан ҳазар қилинади.

Шу ерда кибернетика фани асосчиси Норберт Винернинг бир фикри айтиш мумкин: "Математик бўлмаган бирон-бир одам рақамлар маданий ва эстетик қиймат касб этиши ёки улар гўзаллик, куч, илҳом каби тушунчаларга, қай бир даражада боғлиқ бўлиши ҳақидаги фикрни ҳазм қилолмас керак"²³.

Ҳар уч бўлим схемасини чизар эканмиз, биз бунда юқорида айтилган асардаги икки тармоқ - севги-муҳаббат ва ижтимоий-тарихий воқеалар тармоғини таянч қилиб оламиз, улар қисқача севги ва Ватан деб белгиланади.

Ушбу чизмада асардаги уч бўлим алоҳида олиниб, ҳар бўлимдаги севги ва Ватан сюжет тармоғи алоҳида доира тарзда тасвирланади, 1 ва 3-бўлимда икки тармоқ кесишади ва муайян бадиий-ғоявий яхлитликка эришилади, 2-бўлим эса бутунича севги тармоғидан иборат, ундаги Уста Алим ҳикояси бўлим

²¹ Бу ҳақда қаранг: Золотое сечение. Три взгляда на природу гармонии. – М., Стройиздат, 1990. – С. 238.

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 4-жилд, – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 162.

²³ Золотое сечение. Три взгляда на природу гармонии. – М.: Стройиздат, 1990. – С. 133.

воқеаларига бевосита эмас, билвосита боғланади, яъни кичик доира тарзида катта доирага тегиб туради, холос.

Ҳар бўлимда ўзаро кесишувчи доиралар, яъни воқеий тармоқларда иштирок этувчи асосий образлар қайд этилади, уларнинг сони ҳам асосан 3 та, фақат 3-бўлимдаги Ватан тармоғида Юсуфбек ҳожи ва Мусулмонкул қаторида йиғма тушунча – Тошкент беклари белгиланади, зеро улар бобда биргаликда машъум вазифа адо этадилар, яъни қипчоқ қирғинини (хон билан келишган ҳолда) уюштирадилар.

Агар эътибор берилса, юқоридаги модел-схемада асар структурасида икки тармоқ ва ундаги асосий иштирокчилар қайд этилган. Биринчи ва учинчи бўлим чизмасида икки тармоқ ёнма-ён, қисман устма-уст тасвир этилади, улар муайян ўринда ўзаро кесишади, бу икки доира учун умумий бўлган сатҳ (+)да акс этади.

Биринчи бўлимда анча юқорига чиққани сабабли, иккинчи бўлимда иккинчи тармоқ - ижтимоий-тарихий воқеалар бирмунча тин олгандек. Ҳатто бу бўлимда иккинчи тармоқ деярли йўқ ҳисоби. Бўлими бошидаги "Азизбек Тошканддан жўнатилди..." деб бошланган маълумот тарзидаги ярим саҳифа матн ҳам илк бобдан ташқарида.

Бинобарин, иккинчи бўлим деярли тўлиғича севги-муҳаббат тармоғидан иборат. Шунинг учун у қолган икки бўлим каби ўзаро кесишган икки доира эмас, бир доира тарзда тасвир этилган, зеро, чақув орқали чиркин ниятига етолмаган Ҳомид қулай фурсат - Отабек Тошкентда уйланишидан фойдаланиб, сохта хатлар ва кейин сохта талоқ хати ёзиш орқали севишганлар орасига ғов ташлашга эришади.

Лекин бу бўлимдан Уста Алимнинг бахтсиз севгиси ҳақидаги ҳазин ҳикоя ўрин олганки, уни бўлим ичидаги кичик бўлим, асар ичидаги асар, дейиш мумкин. У чизмада кичикроқ доира билан белгиланиб, асосий доирага тегиб туради, холос.

Учинчи бўлимда икки тармоқ юксак бадий нуктада синтезлашади. Асар бутун вужуди билан апофезга кўтарилади, яъни воқеалар ва қаҳрамонлар тақдири фоже-тантанавор якун топади.

Йирик маданиятшунос олим, Тарту структур-семиотик мактаби асосчиси Ю.М.Лотман "Бадий матн структураси" китобида ёзганидек: "Асарнинг бадий мазмуни - структура... Структурадан ташқари бадий ғояни идрок этиш мутлақо имконсиз"²⁴. Француз файласуфи Жиль Делёз (1925-1995) фикрича: "структура маъно ишлаб чиқарувчи машина бўлиб, бунда структура сабаб, маъно оқибат сифатида майдонга чиқади"²⁵. Кўриб ўтганимиздек, "Ўткан кунлар" романи структурасида учлик принципи етакчилик қилади экан, демак у асарда инкишоф этилган бадий ғоя ва маъно кўламининг долзарблашуви ва яққолашувида илк ташкилотчи вазифасини ўтайди. Буюк романимизга хос бўлган бундай структур белги орқали ундаги чуқур фалсафий маъноларга йўл очилади.

²⁴ Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – М.: Искусство, 1970. – С. 19.

²⁵ Новейший философский словарь. Постмодернизм. – Минск: Современный литератор, 2007. – С. 289.

Маълумки, "глобаллашув"га яқин "глобализм" атамаси ҳам мавжуд. У ҳодисага ҳар томонлама ва кенг қамровли ёндашувни талаб қилиб, уни юксак миқёсга олиб чиқиш имконини беради. Биз "Ўткан кунлар" романи структурасидаги етакчи учлик принципи ҳақида фикр юритар эканмиз, бу принцип асар қаъридаги универсал, жаҳоний тамойилларга дахл қилиш демакдир. Глобаллашув даврида майда, локал ғоялар атрофида ўралашиб қолиш жоиз эмас. "Томчида қуёш акс этади" деган буюк ҳақиқат айна глобализм моҳиятига мос йўл-йўриқ ва дастурамалдир.

Бобнинг учинчи фасли "*Байт структурасида қиёс*" деб аталиб, унда Алишер Навоийнинг икки ғазалидан олинган икки байт тадқиқ этилади.

Биринчи байт:

Ғам туни билмон, шафақдур ё фалак миръотида
Акс кўргазган кўзумнинг лаългун ёшимидур.

“Б.в.”, 173-ғазал

Йирик аллома А.Фитрат 1926 йилда нашр этилган “Адабиёт қоидалари” қўлланмасининг “Муболаға” бобида Навоийнинг ушбу байтини келтириб, ёзади: “Қайғули кечаларда, кўкда қизорғон булутни кўрган, **бу менинг кўзимдан оққан ёшнинг аксидир, онда кўринадир**, (таъкид Фитратники – С.М.) демак янглиш муболағалардандир”²⁶.

Нотўғри анлангани ва нотўғри насрий баён қилингани оқибатида байт маъноси борасида ноҳақ ҳукм чиқарилган. Мазкур байтда Фитрат домла ёзганидек, “янглиш муболаға” эмас, ақлни шоширадиган буюк ва тубсиз маъно бор. Айнан тубсиз маъно.

Бунда қиёс икки мисра орасида кечмайди, аниқроғи байтда икки эмас, уч ҳодиса қиёсланади. Аввал:

Ғам туни ↔ шафақ.

Бу асос қиёс бўлиб, шундан сўнг шафақ иккинчи мисрани тўлиқ эгаллаган – “акс кўргазган кўзнинг лаългун ёши”га қиёсланади. Қиёс ҳадларини тўлиқ кўрсатадиган бўлсак шундай қатор вужудга келади:

Ғам туни ↔ шафақ ↔ лаългун ёш.

Ғам туни шафаққа ўхшатилаётганида ўртадаги “билмон” сўзига, унинг бадий вазифасига эътибор қаратайлик. “билмадим” маъносини англатувчи бу сўз қиёсга латифлик бағишлайди, тасвирга осойишта оҳанг олиб киради, яъни узил-кесил, қатъий қиёс эмас, нафис қиёс. Ғам туни шафаққа қиёсланар экан, шафақнинг қизғиш, қонталаш ранги, ғамбода тун оғушидаги “мен”нинг фоже ҳолатини кўримли ифодалайди. **Ғам** билан **тун** бириккан ҳолда яхлит муҳитга айланиб, шафақ тусига кириб боради гўё.

Қиёснинг учинчи ҳади, кўрилганидек, лаългун ёш. Байтда унинг турар жойи ва ҳолати – фалак миръоти ва тавсифи аниқ белгиланган. Аввал тафсифга тўхталсак: “Акс кўргазган кўзумнинг лаългун ёшимудур?” Кўз ёши ташқарида эмас, кўзнинг тубида. Бу жуда муҳим нуқта. Кўзнинг тубидаги кўз ёш шафаққа ўхшатилмоқда. Шафақ эса коинотда рўй бергич атмосферавий ҳодиса. Демак, кўз тубидаги кўз ёш самовий ҳодиса билан тенглаштирилмоқда, ҳатто. Лекин

²⁶ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 60.

бу айнийлик қатъий эмас, “ёшимудур”даги сўроқ ва тахмин яна бир бор қиёснинг ва тасвирнинг назокатини таъмин этмоқда.

Буюк Навоий ушбу байтда ғоят катта ўлчамли дунёни (шафақ, фалак) соф инсоний физиологик ҳодиса кўз ёш билан боғлайди, бирлаштиради ва бундан гўзал ва теран поэтик хулоса чиқаради. Қаттиқ изтироб чекаётган, ғам тунн оғуши (ёки исканжаси)даги одамнинг кўз ёши фалак кўзгусида аксланиб, осмоннинг қонталаш шафақи билан яхлит, ягона манзара барпо қилмоқдаки, натижада одам ва олам ягона самовий вужудга айланмоқда. Кўз ботинидаги кўз ёш фалак миқёсига чиқади, фалак миръоти учун эса тўсиқ ҳам, ўлчов ҳам йўқ.

Иккинчи байт:

Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач. (ҒС. 98-ғазал)

Байтни яхлит ҳолда бутун жозибаю таровати билан идрок этар эканмиз, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир рукн, ҳар бир талаффуз ва пауза ўз оҳанги, жаранги билан ишлаши, қалбимизни ром этиши маълум бўлади. Мисраларни қайта-қайта ҳаёлан, ёддан такрорлаймиз, сирли оҳангга йўғрилган сўзлар мусиқасидан завқ оламиз. Бу энди – табиий, ақл етакчилик қилмайдиган бокира идрокдир.

Навоий шеъриятида сўз нурланган, нурга чўлганган сўздир. Сеҳрга чўлганган сўздир. Шу ўринда, нур билан сеҳр синоним, маънодош сўзлардир.

Структур таҳлил яна шуни кўрсатадики, ғазалда ушбу байтгача Ҳазратнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида таснифланган хавосс ишқи етакчилик, устунлик қилган бўлса, энди ушбу байт шарофати билан бутун ғазал сиддиқлар ишқи томон юксалади. Янада аниқроғи, ғазалда хавосс ишқи биплан сиддиқлар ишқининг симбиози, яъни узвий бирикуви, биргаликда мавжудлигини кузатиш мумкин.

Айтилганлардан аён бўладики, байтда ишқнинг мутлақ олий мақоми ҳақида гап бормоқда. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, лекин биз бу ерда Ҳазратнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан бир далил келтириш билан чекланамиз. Асардаги “Ишқ зикрида” бобида сиддиқлар ишқи ҳақида шундай фикр бор: “Шухудлари истиғроққа етган ва ул истиғроқдин **истиҳлоқ мақомин** (таъкид бизники – С.М.) ҳосил этган”²⁷. (“Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, **ҳалок бўлиш мақомига** кўтарилган бўлади”).

Демак, байт сиддиқлар ишқи, яъни ишқнинг ҳадди аълоси, олий мақоми, хос ишқ аҳли кўтариладиган истиҳлоқ мақоми ҳақида. Ва байт ушбу мақомнинг мукамал бадий васфи дейиш мумкин. Бинобарин, ҳалок бўлиш мақоми тасаввуфнинг таянч арконларидан биридир. Фаридиддин Аттор “тасаввуф ичида кутб эди”²⁸ дея таърифлаган буюк шайх Жунайд Бағдодийдан тасаввуф нима, деб сўраганларида, деган экан: “Тасаввуф Ҳақнинг сендаги “сен”ни ўлдириши ва сени Ўзининг наздида тирилтиришидир”²⁹.

²⁷ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 9-жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом НМИУ, 2011. – Б. 500.

²⁸ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Ғафур Ғулом НМИУ, 2013 – Б. 341.

²⁹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 17.

Буюк шоир ғазалиётидаги байтларда қиёс принципи етакчи структур унсурлардан биридир. Илк бадий бутунлик сифатида байтга жиддий эътибор қаратиш зарур. Ушбу йўналишда изчил тадқиқот олиб борилса, улуғ Навоий кўзда тутган қиёс самарадорлиги, яъни янги-янги маънолар кашфига эришмоқ мумкин. Ирфоний маъно алоҳида, дунёвий маъно алоҳида эмас, улар яхлит бир ҳодисанинг икки босқичи холос. Асл сўз мўъжизаси, юксак бадийлик уларнинг бирлигидан яралади.

Ғазал муҳташам бадий ансамбль, яъни мос ва уйғун қисмлар (байтлар)нинг бирикувидан бунёд бўлган иншоот. Бир пайтнинг ўзида байт нисбатан мустақил ҳодиса. Унинг маъно кўлами кенг, “ҳар дostonни бир байтда ниҳон қилмоқ” (“Сабъаи сайёр”) Алишер Навоий каби буюк сўз санъаткори илгидаги амалдур.

Бобнинг тўртинчи фасли “*Поэтик структура ва бадий маъно*” деб аталиб, унда Алишер Навоийнинг “Муножот” асари структурал тадқиқ этилади.

Илоҳий сезги тирик инсонни ҳеч қачон тарк этмайди. Чунки бу сезги одамнинг қон-қонида, яратилишида, фитратида мавжуд. Одам, таъбир жоиз бўлса, шундай дастурлаштирилган. Олий дастурчи эса – Тангри таоло. Оллоҳсиз, илоҳий сезгисиз Инсон – ёрти, чала. Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган “Муножот” ушбу ёртилик, кемтикликни тўлдириш, бутунлик (комиллик)ка эришиш йўлидаги шахт, руҳоний таваллонинг бадий сўздаги тасвир-ифодаси, мужассамадир.

“Муножот” тузилиш, структура жиҳатидан 4 қисмдан ташкил топган:

I. Басмала. Қуръони каримнинг биринчи ояти шарҳи. 1–10-бандлар.

II. Ҳамд. Оллоҳга мақтов, Унинг сифатлари таърифи. 11–23-бандлар.

III. Наът. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламга миннатдорлик. 24–29-бандлар.

IV. Муножот. 30–99 бандлар.

“Муножот” асари поэтикасига дахл қилинаётганда биринчи навбатда, у шоир ижодида мутлақо ўзига хос асар экани ҳисобга олиниши зарур.

Асар шоирнинг қатор асарлари таркибида мавжуд бўлган муножотлардан жиддий фарқланади. А.Аъзамнинг фикри бўйича, “Муножот” бадий асар эмас. У эл-улус учун ҳам битилмаган – Навоийнинг муножоти бевосита ва батамом Тангри таолога қаратилган. Лекин бу масаланинг бир жиҳати.

Иккинчи жиҳат шундаки, битик сўз орқали моддийлашгани, қоғозга туширилгани боис у бадий асарлик хусусиятига эга бўлади, яъни у бадий асарга айланади. Бу фикр юқоридаги “Муножот” бадий асар эмас, деган фикрни рад этмайди. Аксинча, уни тўлдиради.

“Муножот”нинг ушбу икки бир-бирига зид табиати – бадий асар эмас, яъни буюк қалб руҳонияти акс этган инсоний ҳужжат ва иккинчи, у шунга таянган ҳолда, у буюк қалб руҳонияти акс этган ноёб бадий асар, иккала фикр биргаликда “Муножот” ноёб бадий обида эканини тайин этади.

“Муножот” асарининг чоп этилиши ва уни синчиклаб ўрганиш Алишер Навоий дунёқараши ҳақида совет даврида айтилган фикрларга қатъий ўзгариш киритиши аниқ. Бу буюк дунёқараш пантеизм эмас, том художўйлик, яъни теизм экани аниқлашади.

Алишер Навоийнинг “Муножот” асари структурасига диққат қилинса, асар уч буюк олмош: СЕН – МЕН – У, яъни улар орасидаги субстанциал муносабатлар устига қурилганини кўриш мумкин. Асар яхлит олганда ушбу учлик, айниқса дастлабки иккилик: Сен – Мен орасида кечадиган қиёсий алоқалар, ўзаро муносабатдорликдан иборат. Шунда бутун асарда қиёс принципи етакчилик қилишига гувоҳ бўламиз. Яъни Сен – Тангри таоло, Мен – шоирнинг ўзи ва кенг маънода банда, инсон ва Инсоният.

Ушбу структур учлик “Муножот” асари шакл-шамойилини яратади. Уч узв орасидаги турли сатҳдаги алоқалар асарнинг илоҳий руҳияти ва шунга мутаносиб равишда юксак бадий қудратини намоён этади. Бадий маъно олий глобал майдонга кўтарилади. Бадий маъно майдони марказида жанр талаби ва моҳиятан ўн саккиз минг оламни яратган сарвари коинот Аллоҳ туради.

Диссертациянинг учинчи боби “**Глобал илмий-бадий талқин ва типология**” деб номланган. Унинг биринчи фасли “*Бинар ва тринар типология*” деб аталади.

Типология фаннинг барча соҳаларида қўлланиладиган универсал илмий тадқиқот усулидир. Муътабар луғатлардан бирида унга шундай таъриф берилади: “Типология объектлар тизимини бўлиб ташлаш ва уларни умумлашган модел ёки тип ёрдамида гуруҳлаштиришга асосланган илмий метод; объектлар тузилмасидаги муҳим белгилар, алоқалар, функциялар, муносабатлар, сатҳларни қиёсий ўрганиш мақсадида фойдаланилади; типологияда қўлланиладиган асосий мантиқий шакллар – тип, таснифлаш, систематика, таксономия”³⁰.

Типология тадқиқот усули ва тафаккур тарзи сифатида кўпасрлик тарихга эга. Агар биз уни фикрлаш тарзи ва илмий-адабий метод сифатида оладиган бўлсак, қадимги юнон адиби ва файласуфи Плутархни ушбу метод асосчиси дейишимизга тўғри келади. У ўзининг “Параллел таржимаи ҳоллар” асарида 46 жуфтликда олинган тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини баён қилади. Мазкур асар типологик тадқиқотлар учун амалий ва қисман назарий асос вазифасини ўтайди, дейиш мумкин. Плутарх юнон ва рим тарихида из қолдирган икки шахсни жуфтлик тарзда олиб. уларни аввал якка, сўнг солиштирган ҳолда кўриб чиқади. Жуфтлик ушбу шахслар ҳаёти ва фаолияти ўртасида мавжуд бўлган муайян ўхшашликка таяниб танланади. Плутарх асарининг илмий қиймати (унинг тарихий ва бадий қиймати билан биргаликда, албатта) шундаки, бир-бири билан қўшни ва тарихан боғлиқ бўлган, аввал юнон, кейин Римнинг икки тарихий даврда яшаб ўтган икки шахс номи ёнма-ён қўйилишининг ўзиёқ муайян маъно-мазмун ташийди; бу асар инсоният тафаккурида **қиёсий-типологик онг** шаклланишида муҳим рол ўйнади дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, айтилганидек, бинар типология – типологик тадқиқотнинг илк асоси ва универсал усулидир. Негаки, ҳар қандай қиёснинг илк сони **иккидир**. Қиёсдаги ҳадлар нечта бўлишидан қатъи назар, **қиёс чоғида** икки ҳодиса, икки ҳад бўлиши тайин.

³⁰ Советский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1984. – С. 1325.

Типологик тадқиқотлар замирида ҳам сон мавжуд. Пинҳона мавжуд. Зотан қиёслаш натижасида юзага чиқадиган ўхшаш ва муштарак жиҳатлар асосан **икки** ҳодиса ўртасида кечадиган жараёнлардан аниқланади. Шу сабаб 2 қиёснинг илк сони дейиш мумкин. (1 эса собит рақам бўлиб, у ўз-ўзида қоимдир). Зеро, икки сони типологик тадқиқотларда етакчилик қилади. Буни бинар типология дейиш мумкин. Бунда жиддий мантиқ ҳам бор. Негаки, агар иккидан ортиқ ҳодиса солиштириладиган бўлса қиёсдаги маъно ипини қатъий тизгинда тутиб туриш анча қийин кечади. Лекин агар ушбу муқаррар қийинчилик енгиб ўтиладиган бўлса, иккидан ортиқ ҳодиса ўртасидаги типологик муштаракликни ўрганиш ҳам муайян афзалликка, илмий қийматга эга экани маълум бўлади. Биз ушбу мақолада учлик типологияни оламиз ҳамда қиёсланаётган иккилик ёнига учинчи ҳодисанинг қўшилиши икки ҳодиса қиёсида мавжуд бўлмаган, фақат учлик қиёс натижасида туғиладиган маъно ва қонуниятлар келиб чиқишига гувоҳ бўламиз.

Биз иккидан ортиқ ҳодисалар қиёси ҳақида гапирар эканмиз, учдан кейинги сонлар – тўрт, беш, олти, етти ва ҳ.з сонларча деган савол туғилиши табиий. Бунда икки ва учдан катта ҳар қандай сон ё икки, ё учга қайтиб келаверади. Зеро, инсоннинг ақлий илғами катта сондаги қиёсларни бирдан ҳазм қила олмайди, қиёсланувчи томонлар кўпайиб кетганда уларни соддалаштиришга мойил бўлади, шунга интилади.

Шу ерда тринар типологияга мисол сифатида қадимги юнон мутафаккири Платоннинг “Астерга” дистихи (қўшмисраси), улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг “Циклоп” ва шу шеърнинг Ҳамид Олимжон санъаткорона ўғирган таржимаси типологик қиёс меҳварига тортилади.

Ушбу омиллар бирлашиб таржимани ва Пушкин шеърини Платон асарига қондошлик даражасини орттиради, қўшмисрадаги самовий миқёс шеърга, Пушкиннинг ўзбек тилидаги шеърига кўчиб ўтгандек бўлади. Икки асардаги “лак-лак кўз” – “ягона кўз” муносабати ёнига осмон – юлдуз – ой, яъни самовий боғлиқлик қўшилади. Пушкин шеърини тутиб турган устун ягона кўз ↔ юз кўз қарама-қаршилигидир. Шеър хотимасида улар бирикадилар ва шунда Платон – Пушкин – Ҳамид Олимжон қаторида **лак-лак кўз ↔ ягона кўз + юз кўз** муносабати вужудга келади. Ҳамда “Лак-лак кўз ила боқмоқ учун сенга махлиё” билан “Эга бўлса эдим юз кўзга, бари билан қарардим сизга” ўртасида типологик қондошлик кузатилиб, ушбу мисралар, икки шеър ва бир таржима – уч шеър бирлашиб яхлит ҳолда ҳамиша ғолиб севги қўшиғи каби жаранглайди.

Бобнинг иккинчи фасли “*Абдулла Қодирий ва Шекспир – қондош чизгилар*” деб номланган. Унда жаҳон адабиёти даҳоларидан бири Шекспир ва ўзбек романчилиги асосчиси А.Қодирий ижоди ўртасидаги типологик муштаракликлар аниқланади.

“Ўткан кунлар”ни ёзаётган Абдулла Қодирий руҳияти кўп жиҳатдан Ҳамлет руҳиятига яқин эди. Ҳайрон қолманг, Қодирий реал тарихий шахс, Ҳамлет эса Шекспир яратган трагедия қаҳрамони-ку, деб. Буюк адиб ўз қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек хожи тилидан айтган дарду армонлар, афсус-надоматлар Ҳамлетникидан кам эмас. Қирол отасининг туйқус ўлими, аза тугамай онаси қиролича тахтга ўтирган амакисига тегиб олиши, отаси

арвоҳининг бот-бот пайдо бўлиб, оқибат Ҳамлетга қабих жинойт сирини очиши... Булар бари жамланиб, Дания зиндону асар қаҳрамонларидан Марцел айтганидек, “Мундан маълум бўладики, Дания мамлакатига бир бало юзлангани” ёки М.Шайхзода таржимасида, “Дания давлатига бир бало юккан”, деган хулосага олиб келади.

Абдулла Қодирий яшаб турган воқелик бундан оғир бўлса оғир, енгил эмасди. Туркистон мамлакатига юзланган бало эса большевизм, тоталитаризм балоси эди. Ушбу бало охир-оқибат буюк адиб мансуб бўлган ижодкор авлодни жисмонан маҳв этди.

Трагедияни психология жиҳатидан теран таҳлил қилган улуғ рухшунос олим Л.С.Виготский ўзининг машҳур “Санъат психологияси” асарида ёзади: “Ушбу монолог Ҳамлетнинг чегарадаги, бўсағадаги, қабристондаги ҳолатини аъло даражада тасвир этади”³¹.

Адабий қаҳрамон, айниқса, у буюк бадиий асар таркибида бўлса, ўзи мансуб халқ ва кенг маънода инсон руҳиятининг муайян қиррасини намоён этади. Ҳамлетнинг дард-изтироблари ва Отабекнинг қатл олдидан (ҳали у тасодифий-қонуний тирик қолишини билмайди, албатта) қалбидан кечирган ўй-хаёллари типологик яқинлик касб этади, муайян нуқталарда туташади, айрим ўринларда эса ҳар бири ўз йўлидан кетади.

Ҳамлет ва Отабек образлари балки ялпи типологик қиёсга имкон бермас, лекин образлар ҳаёт йўлининг, буни чизик (–) тарзда белгиласак, ушбу йўлнинг маълум нуқтасида (.) улар муштарақлик касб этиши мумкин. Зеро геометрияда ҳар қандай чизик нуқталар жамланмасидан иборат экани маълум. Трагедия ва романдаги муштарақ ҳолатлар қиёсланиши қаҳрамонлар ҳаёт йўлидаги икки типологик ўхшаш нуқтанинг қисман мос келиши деб ҳам қараш мумкин.

Ҳамлет монологда ҳаёт ва ўлим ҳақида оғриқлик фикр юритар экан, унда танлаш учун имкон бор – “Ё ўлиш, ё қолиш...”, Отабек эса ушбу лаҳзада ўлимга маҳкум. Унинг тақдирини лаҳзалар ҳал қилмоқда.

“Ҳамлет. Ё ўлиш, ё қолиш – гап шунда!.. Ўлмак ухламоқ демакдир. Чинакам ухламоқ ... балки туш кўрмак. Мана шуниси ёмон. Устимиздан бу фоний дунёнинг бутун изтиробларини ирғитиб ташлаб шу ўлим уйқусига кирганимиздан кейин қанақа тушлар кўрар эканмиз. Шу ерда пича андишага эҳтиёж бор. Мана шу масала орқасида биз ўзимизни бу фоний дунёда қанча йиллар умр қилиш кулфатига боғлаб берамиз... Замоннинг зарбалари ва хунук башараларига, золимларнинг зулмларига, киборларнинг таҳқирларига, рад этилган севгининг аламларига, қонунларнинг бажарилишидаги имиллашларга, ҳукуматдорларнинг зулмларига ва қобил одамларнинг бошларига ноқобил одамлар томонидан тушуриладиган бутун қалтакларга кимнинг тоқати бор? Кичкинагина бир ханжарнинг биргина зарби билан шуларнинг барчасидан қутулмоқ мумкин-ку!”³² (Чўлпон таржимаси)

“Ўткан кунлар”да:

³¹ Виготский Л.С. Психология искусство. – М.: Искусство, 1968. – С. 426.

³² Чўлпон А.С. Асарлар. Тўрт жилдик. 3-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 358-359.

“Отабек гарангсиган сумол деворга суянган, мундаги аллақандай маъноларни англаган тахт, тож, хон, бек каби лаш-лушлар унинг кўз ўнгида қора пуллик кадр қийматсиз... Тўғриси ул ажиб бир табиъатка кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз... Йўқ, ул сезса-да, билса-да, гўё оёғ, қўли боғланиб бўғизланишга ҳозирланган бир қўй каби қайралаётган пичоққа бутунлай парвосиз, кўрқувсиз томошо қилар эди. Бу турмуш, бу ҳокимият, чеки кўринмаган бу қоронғилик... унинг учун сира қизиқарлиқ эмаслар: ул йўқ эди – тинч эди, ул келди – тинчимоди, ул яна йўқ бўлса эҳтимол яна тинчир эди. Мана шунинг учун ҳам ул безрайган эди. Фақат... фақат шу турмушдаги бировгина унинг кўнглидан тезроқ ювилмас ва ювилиши ҳам қийиндек... Ниҳоят бундан ҳам қутулғандек. Нима... аммо сўнг нафасида унинг билан видолашса, бўғозиға ханжар ботар экан, унинг юзига қарабқина кўзи нурсизланса... Унинг ҳамма орзуси шу эди ҳозир”³³.

Орада икки фарқ яққол кўзга ташланади, бири ифода тарзида, иккинчиси, қаҳрамонлар ҳолатида. “Ҳамлет” сахна асари, одатда унда залга, томошабинга қарата сўзланади, роман эса баён-тасвир воситасида яратилган эпик асар. Қисқача айтганда, бири – монолог, иккинчиси – тасвир.

Шундай экан, трагедия (“Ҳамлет”) ва роман (“Ўткан кунлар”)даги моҳиятан ўзаро яқин икки ҳолатни солиштирар эканмиз, орадаги тасвир-ифода йўсинидаги фарқни унутмаслик ва қайд этишимиз лозим бўлади.

Лекин ҳар икки матнни бирлаштирувчи, муштарак маҳражга олиб келувчи нуқта бор. Бу – ўлим. Юқорида айтилганидек, Ҳамлетда танловга имкон бор, Отабек эса ўлимга маҳкум. “Кичкинагина бир ханжарнинг биргина зарби билан шуларнинг барчасидан қутулиш мумкин-ку!” Бу – Ҳамлетнинг дил изҳори. Отабек бўғзига эса ханжар тиралган, унирнг эрки ўзида эмас.

Драматургия қонунларига кўра, Ҳамлет фақат сўзлайди, у ўзига ўзи муаллиф. Отабек ҳолати эса муаллиф томонидан чизилади: “Отабек гарангсиган сумол деворга суянган... ул ажиб бир табиъатка кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз”.

Ҳар икки қаҳрамон оламдаги адолатсизликдан оғринади, ундан фақат ўлим қутқаришини, Ҳамлетни “ўлим уйкусига киргани”дан сўнг қандай тушлар кўриши ташвишга солади, ўйлатади. Отабек эса ўзи ҳақида шундай фикрлайди: “ул йўқ эди – тинч эди, ул келди – тинчимоди. Ул яна йўқ бўлса эҳтимол яна тинчир эди”.

Глобаллашув даври глобал бадий-типологик талқинларга йўл очади ҳамда шундай талқинларни талаб қилади. Энди инсоният ҳам, инсон кўнгли жавҳари меваси бўлмиш бадий адабиёт ҳам, у қайси даврда яралганидан қатъи назар, талқин соҳасида тор миллий доирада биқик яшай олмайди. Глобал бадий талқин глобаллашувнинг хос илмий белгиларидан бўлса ажабмас.

Маънолар, ғоялар учрашуви ва тўқнашувидан янги маънолар, янги ғоялар туғилади. Фақат улар инсон камолотиға хизмат қилса, илоҳий моҳиятиға муносиб бўлса, бас.

³³ Абдулла Қодирий. Рўмонлар. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 1992. – Б. 100.

Бобнинг учинчи фасли – “Самовий миқёс: “Ўткан кунлар” ва “Қирол Лир”.

Самовий миқёс “Ўткан кунлар” романига хос хислат. Бу жиҳатдан у улуг бадий обидалар, жумладан Вильям Шекспирнинг “Қирол Лир” трагедияси билан, хусусан ҳар икки асар учун муштарак бўлган Довул тасвири (Довул образи ҳам дейиш мумкин) орқали умумий тил топишади. Гўё сўзлашади, фикр олишади.

Инсон табиат ҳодисалари билан ёнма-ён, табиат қонунларига бўйсуниб яшайди. Табиат ҳодисалари бадий асарда тасвирланар экан, муайян мақсадга бўйсундирилади ва албатта, поэтик вазифа бажаради. Асар бадий жиҳатдан қанча юксак, ижодкор кўзлаган гоё қанча теран бўлса, табиий ҳодисалар тасвири шу қадар ёрқин ва таъсирдор бўлади. Унинг миқёс кўлами шу қадар улканлашади.

Одатда, табиат ҳодиса ва манзараларининг адабиёт ва санъат асарларида тасвирланиши пейзаж деб номланади. Юқорида айтилганидек, пейзаж бадий асарда деярли ҳамма вақт бадий вазифа бажаради, яъни асар воқеаларига қўшимча тоза руҳ ёки фикрий теранлик бағишлайди, асарнинг маъно кўламини кенгайтиради.

Бинобарин, бош қаҳрамонлар – Лир ва Отабекнинг муайян пайтдаги рухий ҳолати гўё довулни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ташқи оламда қутуриб эсаётган довул қаҳрамонлар қалб-жонини ларзага солаётган ички талотумга ҳам кўримли, ҳам рамзий ишорадир.

Оқпадар қизлари томонидан кўчага ҳайдалган Лир сўзлари:

Шундай ишлар қилайинки, билмайман нима:

Ҳар ҳолда мен коинотга даҳшат соламан.

Сиз нима деб ўйлаяпсиз, мен йиғлайманми?

Йўқ, йиғлаётганим йўқ.

Ўқирсам ҳам бўладиган сабаблар бор-ку...

II парда. 4-саҳна. (Ғ.Ғулом таржимаси)

Айнан шу ерда, Лир, Глостер, Кент ва Масхара саҳнадан чиқиб кетишгач, бўрон бошланади. Бу “Момақалдинок, узоқдан бўрон овози” деган ремаркадан ва Герцог Корнуэлнинг “Ва бўрондан қочиш керак” деган сўзларидан маълум бўлади. Шундан сўнг бир қанча муддат Лир бўрон шароитида, у билан яқвужуд бўлиб яшайди.

“Қирол Лир”даги самовий ларза – изтироблар Лирнинг янги одам бўлиб қайта туғилишида шунчаки фон, холос”³⁴. Муайян маънода тўғри бўлган бу фикр трагедиядаги бўрон саҳнаси аҳамиятини бирқадар пасайтиради, бизнингча. Чунки асар самовотида (ҳар қандай буюк бадий асарнинг ўз олами, самовати бор) рўй бераётган талотумлар нафақат фон, балки аламзада Лир қалбида кечаётган ботиний бўроннинг самовий тимсоли.

Пейзаж реал фалсафий асосга таянади. Модомики, одам табиат қўйнида табиат ҳодисалари билан ёнма-ён қўшилиб яшар экан, табиат ҳодисаларининг қайбир даражадаги тасвирисиз бадий асар чала ва қуруқ бўлиши муқаррар.

³⁴ Чирков Н. Шекспировские чтения. 1976. – М., Мысль, 1977. - С. 27.

Ундан ташқари, энг муҳими том бадий асарда пейзаж, табиат ҳодисалари тасвири асар воқеаларига ўзгача юксак ўлчам – самовий миқёс бахш этишидир.

«Ўткан кунлар» романининг ўрталик иккинчи бўлимидаги «Жонсўз бир хабар ва кўркунч бир кеч» боби Отабек ва Ҳомиднинг ҳаёт-мамот тўқнашуви тасвир этилган «Душанба кун кечаси» боби билан биргаликда асарнинг драматик кульминацияси дейиш мумкин. «Душанба кун кечаси» асар воқеалари, сюжетининг кульминацияси бўлса, «Жонсўз бир хабар...» боби романдаги самовий ҳиссиёт, коинот туйғусининг чўққисидир. Асарнинг деярли қоқ ўртасидан ўрин олган ушбу боб, аниқроғи, унинг иккинчи қисми, яъни «Хўжа Маъоз» мазоридаги довул (адиб таъбирича. «кучлик бир ел») тасвири романга Коинот кўламини олиб киради. Асарда тасвирланган ва тасвирланажак жами воқеалар кундалик оқим воқеалар ичидан гўё айириб олиниб, жаҳоний-самовий доирага эш этилади.

Адиб ўз романида Шарқ ва Ғарб адабиётларининг етук анъаналарини уйғунлаштирган. Зеро, икки ёки ундан ортиқ ҳодиса – адабий йўналиш, оқим, услуб ва ҳ.к.ларни бир-бирига узвий равишда қўшиб, бир-бирига сингдириб юбориш ва натижада сифат жиҳатидан ўзига хос янги ҳодиса ҳосил қилиш – бадий синтезга шундай таъриф бериш мумкин. “Ўткан кунлар” шу маънода Шарқ-Ғарб бадий синтезининг кўркам намунаси, том маънодаги шарқона реалистик романдир.

Бобнинг тўртинчи фасли “*Ойбек ва Чингиз Айтматов*” деб номланиб, унда “Қутлуғ қон” романидаги Йўлчи ва “Жамила” қиссасидаги Дониёр типологик қондош образлар сифатида қиёсланади.

Йўлчи адибнинг бадий образга эврилган alter egоси, яъни иккинчи «мени»дир. Умуман, адиб қалб жавҳаридан яралган икки буюк образ бор, булар - Навоий ва Йўлчи. Алишер Навоий-ку, адибнинг буюк романидан анча олдин ҳам ўлмас асарлари билан ўзининг буюк руҳоний қиёфасини яратиб кетган. Ойбек эса ўз романи билан ул зотни бизга аниқ кўримли ва яқинроқ қилиб қўйди. Унга қалб кўрини берди. Йўлчи эса бошқача, у тамомила Ойбек даҳоси маҳсули, адиб қалби ва руҳиятидан бино бўлган образдир.

Айни шу омил Йўлчи образининг руҳоний куввати ва маънавий кучини белгилаб берган десак, янглишмаймиз.

«Жамила» қиссасида Дониёр образининг алоҳида руҳоний вазифаси кўзга ташланади. У худди роман бошида Йўлчи Тошкентга кириб келгани каби ўз овулига қайтиши билангина асарнинг ҳозирги шакл-шамойили яралади. Дониёр, таъбир жоиз бўлса, қиссанинг моторидир. Сиртдан қараганда, у асарнинг энг пассив, бўшанг қаҳрамони, ҳамиша «жабрланувчи» ролида намоён бўлади. Лекин аввалбошданок, Сеит «гарчи Дониёр улўғсифат бир одам бўлмаса-да, унинг шундай ҳеч ким билан гапиришмай, вазмин юришида қандайдир бир хосият (русча нашрда «что то недоступное» - С.М.) бордай»³⁵лигини қайд этади.

³⁵ Айтматов Ч. Сарвқомат дилбарим. Повестлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1964. – Б. 145.

Дастлаб уни назар-писанд қилмаган шўх-шаддод Жамила аста-секин унинг жозиб майдонига тушиб боради, айникса, «каттакон қора қоп» воқеасидан кейин Дониёрнинг рухий-маънавий мавқеи ортади.

Йўлчи ва Дониёр - қисман ўхшаш образлар. Маънавий бутунлик, ахлоқан софлик, руҳоний қувват уларни ёнма-ён ва бақамти қўйишга имкон яратади. Тўғри, Йўлчи образидаги кенг қамров, монументал миқёс «Жамила»даги Дониёрда йўқ. Бу - табиий, чунки «Қутлуғ қон» бутун бир халқ ҳаётининг муайян даврини қамраган улкан роман. «Жамила» эса кичик бир қирғиз овулида юз кўрсатган ажиб муҳаббатнинг инжа тасвиридир.

Икки образ вужудидаги биз урғулаган таянч нуқталар уларни яратган буюк қалб соҳиблари - Ойбек ва Чингиз Айтматов кўнгил жавҳаридан тўкилган дурлардир. Зеро, буюкликдан буюклик туғилади, майда қалб ҳеч қачон буюк қадрият ярата олмайди.

Қалб яқинлиги, кўнгил ёвуқлиги қондошликнинг кўзга кўринмас латиф кўринишидир.

Шунингдек, ушбу фаслда адабий асар ёхуд муайян ижодкорнинг асл бадиий қиймати аниқлаш учун қўлланадиган доимий ўзгармас миқдор – *бадиий константа* илмий амалиётга киритилади.

Диссертациянинг “**Глобал талқин: адабиёт фалсафаси**” деб номланган тўртинчи бобида адабиётшунослигимизда нисбатан янги йўналиш адабиёт фалсафаси моҳиятан глобал илмий-бадиий талқин ҳосиласи экани қайд этилиб, бу ғоя мумтоз ва янги адабиётимизнинг сара асарлари таҳлили орқали очиб берилади.

Бобнинг биринчи фасли “*Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгил*” деб номланган. Адабиёт фалсафаси кўнгил кўзи, пок ақл нигоҳи билан илганган ва кўрилган юксак ва глобал маънолар мажмуидир.

Адабиёт фалсафаси биз биладиган табиат, жамият ва тафаккур тараққиёти, умумий қонуниятлари ҳақидаги фан, яъни фалсафа ёки унинг бир бўлаги эмас. Ушбу қонун-қоидаларни адабий асарларга қўллаш, улар мазмунидан фалсафий категорияларни излаш ва топиш ҳам эмас. Айтиш жоизки, шундай йўл ҳам мавжуд бўлиб, у айтарли илмий ва амалий натижа бермайди. Чунки бундай мажбуран қўлланган фалсафий қоидалар бадиий асарга сингишмайди, унга заха етказилади. Адабиёт, бадиий асар қалбини очмайди, у четдан суқилган ғоя ва қоидани хуш кўрмайди. Ўзини ўзида кўришни истайди.

Адабиёт фалсафаси Сўз, унинг олд-орт ва қаъридаги кичик ва катта оламлар фалсафасидир.

Бадиий фалсафа кўзи билан қаралса, муайян асардаги оддий, туйқус кўзга ташланмайдиган жумла, қаҳрамонга берилган тавсиф катта маъно юки ташиб, худди сеҳргар таёқчасидек бадиий асарга янги қиёфа касб этиши мумкин. Мумтоз романимиз “Қутлуғ қон”да Шокир отанинг “туморча шаклли кичкина ҳовлиси” ёки шу қаҳрамон тилидан роман бош қаҳрамони ҳақида “Дуруст, Йўлчибой эр ўғли – эр эди, у бошқа оламдан эди” деган гапи бутун асар ва етакчи қаҳрамон Йўлчи образига бошқача, ирфоний кўз билан қарашга ундайди, шунга йўл очади. Бу тавсиф замирида Йўлчи бу дунёнинг одами эмас, деган маъно борки, қизиғи шундаки, шу гап

романнинг русча таржимасида мутлақо йўқ. Таржимон бу гапнинг кучини англаган, “хушёрлик” қилган чоғи.

Ч.Айтматовнинг машҳур “Жамила” қиссасидаги бош қаҳрамонлардан бири Дониёр ҳақида “Странний человек, не от мира чего”³⁶ (Ўзбекча таржимада кейинги гап акс этмаган) деган тавсиф уни ҳам худди Йўлчи сингари илоҳиётга қоришиқ қиёфасини тиклайди.

Гап шундаки, икки адабий қаҳрамонга берилган бу таъриф асос эътибори билан муқаддас китоб “Инжил”даги Исо пайғамбар сўзига бориб тақалади. Исо ўзи ва умматлари ҳақида дейди: “Мен бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмаслар” (Юҳанно, 17:16)³⁷. Яна шу жойда у “Сен яҳудийларнинг Подшоҳимисан?” деб сўраган римлик ҳукмдор Понтий Пилатга: “Менинг шоҳлигим бу дунёдан эмас” (Юҳанно, 18:36)³⁸ деб жавоб беради.

Икки адабий қаҳрамон – Йўлчи ва Дониёрга ислом динимизда ҳам эъзозланадиган Исо алайҳиссаломга хос тавсиф берилиши асло тасодиф эмас. Ва бундай боғланиш (буюк боғланиш!) ҳар икки қаҳрамонни янги, юксакроқ меҳварга олиб чиқади. “Жамила” қиссасини оламга машҳур қилган, Луи Арагон томонидан “Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси” дея баҳоланишига илк боис Дониёрнинг бу дунёдан эмаслиги, унинг юраги олис оламлар мавжи билан ҳамоҳанг тепишидан эмасмикан? Жамиладай асов ва мағрур аёлни ўзига ром қилган айни куч шу бўлса-чи?

Буюк романимиз “Қутлуғ қон”га келганда, асар етакчи қаҳрамонини Исо алайҳиссаломга элтиб боғловчи бу таъриф, назаримизда, улуғ адиб томонидан романга жойлаб қўйилган **эзотерик код**, шубҳасиз. У шунчалик моҳирлик билан Шокир ота сўзлари орасига жойлаштирилганки, илк нигоҳда мутлақо кўзга ташланмайди. Ўқувчилик йилларим асарни бир неча марта ўқиганман, лекин ушбу жумла фақат 90-йиллар бошидагина эътиборимга тушди, кўзимга кўринди.

Ушбу эзотерик коднинг хизмат вазифаси, бадиий энергияси нимада? У, биринчидан, Йўлчи образига янги кўлам, ўзгача фасоҳат бахш этади. Йўлчи потенциал йирик шахс, у табиий ёмби ақл эгаси. Инсоний юксаклигини айтмаганда ҳам у асарда тасвирланган барча бойлар ва ўқимишли жадид Абдушукурдан ақл жихатидан устун. Ўзини тутиши, маънавий тозаллиги, ҳар қандай хавф-хатарга қарамай ҳақиқат, адолат тарафида туриши, у – ғайриоддий одамлигидан, бошқа оламдан келган, бўлган одам эканидан далолат бермайдими? Йўлчини Исо пайғамбар шуъласида тутиб, романни қайта ўқинг ва ҳар бир хатти-ҳаракати ҳақида қайта фикр юритинг – шунда Йўлчи, демакки роман ҳам беҳад юксалишига имон келтирасиз. Мен бунга аминман.

Бобнинг “*Таҳлил ва глобал илмий-бадиий маъно*” деб номланган иккинчи фаслида шоир Азиз Абдураззоқнинг икки дурдона шеъри “Оқликка шафқат” ва “Эҳтиёт шарт” таҳлили орқали улар қаъридаги теран ва глобал маънолар очиб берилади.

³⁶ Айтматов Ч, Повести гор и степей. – М.: Худ.лит, 1971. – С. 21.

³⁷ Инжил. Туркия муқаддас китоб жамияти, 1995, 263-бет.

³⁸ Шу ерда, 267-бет.

Ҳар қандай бадиий асар ўзига хос сир маскани, яъни ҳомили роздир. Ундаги бадиий сир ва сеҳрни охиригача очиш имконсиз, бунинг устига, очилган сир – сир эмас. Айни шундай сир ва сеҳр бадиий асарни ўзи яратилган давр аҳли учунгина эмас, келгуси авлодлар учун ҳам тансиқ бўлишини таъмин этувчи илк омилдир. Чинакам бадиий асар ҳомили роз бўлар экан, унинг ботиний оламида сайр этиб, сир-асрорини очишга жазм этган одам кашфи роз, яъни сирларни кашф этувчи бўлиши лозим ва тайиндир.

Таҳлил ва муסיқа. Туйқус бир-биридан жуда узоқ ҳодисаларга ўхшайди. Лекин масала зимнига боқиб фикр қилсак, аён бўладики, асл бадиий асар ижодкор қалбига Яратган жойлаган муסיқадан (хоҳланг уни илҳом деб атанг) туғилади ва бу муסיқа сўз ва оҳанг санъати бўлиб яралган асарга кўчиб ўтади. Ушбу муסיқа вужудига қайбир даража кирмай, уни тингламай туриб бадиий асарни тўлақонли таҳлил қилиб бўлмайди. Айни шундай таҳлилда эса сўз санъати муסיқасидан таҳлил муסיқаси яралса ажабмас.

Тўлақонли таҳлил – глобал илмий-бадиий таҳлил белгиларидан биридир.

Бобнинг *“Вақт: глобал илмий-бадиий талқин”* деб аталган учинчи фаслида улуг шоиримиз Гафур Ғуломнинг *“Вақт”* шеъри мисрама-мисра, бандма-банд таҳлил қилинади.

Шоир ижодидаги замонасозлик ҳақида гапириб, баъзан «Вақт» шеърини ҳам шу оқимга қўшиб юборишади. Замонасозлик замонга, давр талабига қараб иш тутишликни, ижод қилишни англатса, унда «Вақт» шеъри бундай замонасозликдан анча юқори туради. Умуман, бу каби асарларга оддий мезон билан ёндашиб ҳам, бундай мезонларни «Вақт» каби шеърларга қўллаб ҳам бўлмайди. Шеърни замонасоз асарлар сирасига киритганларни унда жорий замонага оид воқеа--ҳодиса ва шахслар тилга олинishi чалғитган бўлиши мумкин. Лекин сиз ижодкор ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, вақт ҳақида ёзиб, ўша вақтдаги, замонадаги ҳодисаларни тилга олмаслик мумкинми? Вақт фақат вақтдан улги олади, бошқа ҳеч бир нарсадан эмас. Шу боис замонасозлик билан замонавийликни фарқлаш лозим. «Вақт»га юксак замонавийлик, яъни замон билан, ўзи нафас олаётган он, лаҳза билан биргалик, ҳамнафаслик хос. Савол туғилади, қайси замон билан, шеър яратилган ва мустабид Сталин ҳукмрон бўлган замон биланми ёки биз ҳозир шеърни таҳлил қилиб турган истиқлол даври билан? Муайян бадиий даражага эришган асар ҳамма даврлар учун замонавий, барча даврларга замондош. «Вақт» шеърига келсак, у узлуксиз, мутлақ вақт ҳақида, замона эса шу вақтнинг бир парчаси, абадият нигоҳидан қаралса, у мутлақ вақтнинг бир лаҳзаси, холос. Шу боис «Вақт» шеърини замонасоз асарлар сирасига киритиш унинг моҳиятини англамасликдан бошқа нарсаси эмас. Зеро, «Вақт» зоҳиран содда, ботинан тушунилиши қийин шеърлардан. Мисралар сиртдан оддий бўлиб кўринади, уларнинг билқувва маъноси бирдан англашилмайди. Маъно англамагунча онгда поэтик образ шаклланимайди. Бир тур шеърларда аввал образ яққол кўзга ташланиб, образ билан маъно деярли бир пайтда намоён бўлса, «Вақт»да аввал сўз ва мисрадаги маънони чақиш лозим бўлади, шундан кейингина образли тасаввур ишлай бошлайди. «Вақт» шеъри чалғитувчи соддаликни босиб ўтиб, замирда зил маънолар яширинган мисраларни англашга уринган, шундай уринишдан завқ

туя оладиган интеллектуал китобхон мулкидир. «Вақт»ни юзаки ўқиш вақтни бесамар сарфлаш демакдир.

Глобаллашув инсониятга Яратган томонидан жўнатилган буюк Синов бўлса ажабмас. Бунда инсониятнинг ё чанги чиқади ё донғи. Истаймиз ва умид қиламизки, донғи чиқади.

Зеро, глобаллашув инсоният янги онг сатҳига чиқиши учун имконият ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирги дунёнинг буюк эзотерик олимларидан бири Дурунвало Мельхиседек “Ҳаёт Гулининг кўхна сири” китобида ёзади: “Ғайбга боққан устозлар кўрдиларки, биз, яъни Ер руҳоний бирликка эришамиз ва янада юксакроқ онг даражасига кўтариламиз”³⁹

Шундай экан, глобаллашув даврига глобал илмий-бадий талқинлар ярашади. Юқоридаги талқинлар шундай талабга қисман жавоб берса, ўзимизни бахтли санардик.

Шоир ижоди, назм ва насрида вақт бадий-фалсафий концепция мақомига эга. “Вақт” шеърида вақт фалсафаси лаҳза фалсафаси тарзида намоён бўлади. Бинобарин, лаҳза фалсафаси ялпи вақт фалсафасининг хусусий кўриниши дейиш мумкин.

Шеърда дарж этилган Вақт глобал миқёс, фалсафий-эзотерик моҳият ва квант физик асосга эга. Ушбу омиллар синтезлашиб "Вақт" ни вақтдан ҳоли ҳодиса, яъни ўлмас бадий ҳодисага айлантиради.

³⁹ Мельхиседек Д. Древняя тайна Цветка Жизни. М.: ООО Изд. “София”, 2012. – С.395.

ХУЛОСА

Глобаллашув Ер сайёрасининг мисли кўрилмаган янги ҳолатидир. Унинг ноҳуш маънавий оқибатлари фақат маънавий омиллар – эзгулик ва гўзаллик, ҳақиқат ва муҳаббат, исломий маърифий эътиқод орқали бартараф этилиши, эзгуликка эврилиши мумкин. Инсоният асрлар мобайнида тўплаган бадиий бойлик айна йўсинда глобал илмий-бадиий талқин этилиши шундай эзгу амаллар сирасига киради.

1. Глобаллашув даврининг илмий-бадиий талқинлари глобал бўлиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда талқин, демакки адабий тафаккур ҳам даврдан ортда қолади; бундай талқин ҳеч кимга керак бўлмайди ва ҳеч кимни қизиқтирмайди. Зеро ҳозирги глобал дунё барчани глобал фикрлашга, воқеа-ҳодисаларни глобал талқин қилишга ундамоқда.

2. Илмий-бадиий талқинда ҳамиша муайян нуқтаи назар етакчилик қилади. Шу маънода у ўта нозик ва масъулиятли амал бўлиб, бадиий ҳодиса ва бадиий асарнинг китобхон онгида яшаш тарзини белгилайди. Илмий-бадиий талқин эса ҳамиша бадиий маъно билан иш кўради.

